



Комил Хоразмий

БУЮК БЕРУНИЙ



H 821.512.133-1

X-96 2015/67

A 4504

H Хоразмийи К

Буён Беру

"сея"

8000 e

2015/67-

A 4504

КОМИЛ ХОРАЗМИЙ

БУЮК
БЕРУНИЙ

Достон

«Tafakkur qanoti»
Тошкент — 2015



821.512.133.1 - Ўзбек адабиёти

X-76

УДК: 821.512.133.1

КБК: 84(5У)6

X-88

Хоразмий, Комил.

Буюк Беруний: дoston / К. Хоразмий. — Т. «Tafakkur qanoti» нашриёти, 2015. — 96 б.

Шоир Комил Хоразмий (Комил Машарипович Жуманиёзов) “Кўнглим сендадир” номли китоби орқали адабиёт мухлисларига яхши таниш. Ушбу достонида у буюк қомусий олим Абу Райхон Беруний ҳаёти ва ижод йўли манзараларини ифодалашга интиланган. Китоб Сиз, азиз ўқувчиларга маънавий озуқа беришидан умидвормиз.

Ko'makchi fond

УДК: 821.512.133.1

КБК: 84(5У)6

2015/67	Atisber Navoiy
A	nomidagi
4504	O'zbekiston MK

Ю43544
2

H

ISBN 978-9943-382-40-4

© Комил Хоразмий, 2015 й.

© «Tafakkur qanoti» нашриёти, 2015 й.

СЎНМАС МАШЪАЛЛАР

Берунийнинг шахси ва фаолияти ҳақидаги энг ишонарли ва қимматли маълумотларни жаҳоншумул, наинки жаҳоншумул, балки фалакшумул олимнинг ўзи ёзиб қолдирган каттаю кичик асарларидан олиш мумкин. Оз эмас, нақ минг йилдан кўпроқ вақт илгари ёзилган ҳасби ҳол — таржимаи ҳолларининг қиммати-ни улчаш учун бирон-бир тошу тарози борми-кан? Кўпчилик қатори мен ҳам бу қомусий билимлар соҳиби бўлмиш буюк аждодимизнинг “Ҳиндистон” асарини она тилимизда ўқиб чиққан эдим. 1966 йилда! Ҳиндшунос талаба булганим боис “Ҳиндистон” асарини ўқишни фарзу қарз деб билгандим. Э-воҳ! Мен китоб эмас, тўрт томони ҳам осмонга туташ уммонга “қалла ташлаган” эканман. Шундан бери Абу Райҳон Берунийнинг мухлисман. Аллома шахсиятига қизиқишим беқиёс.

Шоир Комил Хоразмий қаламига мансуб “Буюк Беруний” достони кулёмасини ўқиб чиқдим. Достон муаллифи илмий, бадий манбалардан унумли фойдаланибди. Асар дебочасидаёқ фалсафий руҳ нигоҳимизни матн ичка-рисига тортади:

*Аллоҳ бир бандага солса гар назар,
Шавкати учмагай қиёмат қадар.*

*Асрлар қаъридан таратганча нур,
Башарга бағишлаб тургувси гурур.*

*Нодир инсонларни курди бу фалак,
Тенгсиз заковатдан бергувчи дарак.*

Чиндан ҳам Абу Райҳон Беруний — минг йилда бир учрайдиган нодир шахс. Достон муаллифи таъкидлаганидек, Беруний жаҳолат шайтоний қаҳқаҳа отган даврда яшаб, ижод қилди. Бинобарин, уни илм майдонининг паҳлавони дейиш мумкин. К.Хоразмий алломани таърифлаб ёзадики:

*... Илм машъаласин кутарганча даст,
Дилин эзгуликка этганча пайваст —*

*Майдонга чиқади мисли баҳодир,
Кузи келажакни куришга қодир.*

*Кукундек соврилар кумуш-у тилло,
Ки идрок жаҳонда баридан аъло.*

Албатта, буюк шахслар ҳақида асар битиш ҳазилакам амал эмас. Айниқса, Берунийдек жаҳонни забт этган олим тўғрисида! Бунинг учун шоир малака ҳосил қилиши, қалами обдон “чархланмоғи” даркор. Комил Хоразмий “Хоразмнома” достонини ёзиб, эълон қилдирганидан кейин ўзига нисбатан ишончи ортгани шундоққина сезилиб турибди. “Буюк Беруний” достонига алоҳида тайёргарлик кўрилгани ҳам бор гап. Шоир Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва уларнинг устозлари образларини ишонарли алпозда яратган. Подшоҳлар образлари ҳам укувчи қизиқишини оширади. Айниқса, Маҳмуд Фазнавий ва Беруний орасидаги зиддиятли манзаралар, менимча, қиёмига етказилган. Фазнавий Ҳиндистонга

қилич кутариб борган бўлса, Беруний қалам ушлаб туради. Подшоҳ ҳиндларни зор қакшатса, аллома уларни кукка кутаради. Ғазнавийнинг назарида Беруний чорасиз киши:

*Подшоҳ-чун Беруний ожиз бир одам,
Қатлга буюрар хоҳлагани дам.*

*Зиндонга ташлатмоқ бир одатий ҳол,
Баъзида маҳзундир, баъзида хушҳол.*

Аён буладики, қилич қудратидан қалам кучи устун чиқади. Беруний қалами боис ер юзида доврўқ қозонди. Ғазнавий эса золим ҳукмдор сифатида кўплаб миллатларнинг нафратига нишон бўлгани тарихдан маълум. Мазкур тарихий ҳақиқатни Комил Хоразмий бадий ҳақиқатга айлантира олган. Бинобарин, мен ҳам дostonни мароқ ила ўқиб чиқдим. Кўзларим қувонди, дилим яйради.

Хурматли китобхон! К.Хоразмийнинг “Буюк Беруний” дostonини мутолаа қилар экансиз, лавҳалар ўз урнида яратилганига гувоҳ бўласиз. Асар ёзиш баҳонасида Комил Хоразмий олис утмишга ҳам саёҳат қилади, бугунги кундаги илмий тараққиётлардан ҳаяжонга тушади, яхши умид ва ишонч билан келажакка кўз тутади. Зеро, илм аҳлида келажакка кизиқиш ва интилиш бўлмаса, у ҳеч қаёққа бора олмайди. Нукул утмишдаги шон-шавкатга маҳлиё бўлиш кишига фойдали эмас:

*Дostonни битирдим Навруз маҳали,
Режалар бисёрдир кунгилда ҳали.*

Шу байтни битган шоирдан яна кўп асарлар кутишга ҳақлимиз. Демак, мавзу яна давом эттирилиши аниқ. Энди дostonнинг тарбиявий аҳа-

мияти хусусида сўз айтмоқчиман. Достонда Абу Райхон Беруний иродаси пулатдек мустаҳкам шахс сифатида тасвирланган. Ул зот ҳар қандай оғир даврларда ҳам ўзини йўқотиб қўймайди, балки, бир иложини топиб, мушкулот қаъридан қутилишга муваффақ бўлади. Бинобарин, ирода – халоскор. Алломанинг кучи, қуввати шунда-да ахир?! Такаббур, урушқоқ подшоҳлар билан муроса қилиш, жаҳолат аждарҳодек бошини кутарган вақтда самога боқиб, юлдузлар “шивирини” эшитмоқ, гоҳо шон-шавкатли юрт таърифини келтирмоқ осон иш эмас. К.Хоразмий алломанинг худди шу жиҳатларини рангин лавҳаларда ифодалаб, савобга даҳлдор бўлибди:

*Бир китоб ёзмоқчи ҳинд мулки ҳақда,
Курган-кечирганин ёдида сақлаб.*

*Гарчи ҳайратбахшдир қадимий Юнон,
Ундан ҳам қадимий аммо Ҳиндистон.*

Ўтмишдаги аллома аждодлар келажак йўлини ёритувчи сўнмас машғаллардир. Бизнинг вазифамиз – шу машғалларни бир-бир қўлга олиб, унга “ёғ қуйиб”, яна-да кучлироқ порлатиб, келажак йўлини тагин-да беҳато ва бенуксон кўра билмақдир. Комил Хоразмий ўз замондошларига шу эзгу ниятни билдирмоқ учун узининг буюк ватандоши Ал-Беруний ҳақидаги достонини ҳалол тер тукиб битган экан, ул кишини аждодларимизнинг руҳи қўласин!

Амир Файзулла,
*Ўзбекистонда хизмат курсатган маданият ходими,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси*

БУЮК БЕРУНИЙ

(Достон)

Ибн Сино аста юриб Берунийнинг ёнига борди. Гўё унинг теран уйларини ҳуркитиб юборишдан кўрққандай, сёкин унинг елкасини кучди.

– Бехуда изтироб чёкасиз, устод! Зеро, сиз айтган бу разолат ва жаҳолат янгилик эмасдур бу кўҳна дунёда!

– Биламен, Абу Али! Ҳаммасини биламен! Аммо... “Ал-Қонун”ни яратган Ибн Синони бундай хору зор қилмоқ!..

– Қўйинг, устод! Наҳот бу ҳақдаги ривоятни эшитмаган бўлсангиз?

– Не ривоят?

– Шундайким, буюк бир донишманд бани башарнинг нопок истаклари ва тубан эҳтиросларини бир уйга қамаб қўйилган уч махлуқ – одам, тўнғиз ва арслонга ўхшатган экан. Бани одам деганда у ақл-идрокни назарда тутибди, тўнғиз деганда инсоннинг чиркин хоҳишларини, арслон деганда эса қаҳру ғазабини назарда тутибди. Бу уч махлуқнинг қайси бири зўр чиқса, қамалган уйда ўша устунлик қилар эмиш.

– Хўш, хўш?

Бу қиссадан ҳисса шулки, тўнғиз билан шер, яъники, тубан эҳтирослар қанчалик зўр бўлмасин, бани одам, яъники, ақл-идрок ёнгузидир!

Одил ЁҚУБОВ.

(“Кўҳна дунё” романидан.)¹

1

Аллоҳ бир бандага солса гар назар,
Шавкати ўчмагай қиёмат қадар.

Асрлар қаъридан таратганча нур,
Башарга бағишлаб тургувси ғурур.

Нодир инсонларни кўрди бу фалак –
Тенгсиз заковатдан бергувчи дарак.

Кўп илмларники сув қилиб ичган,
Билим дунёсида қуш бўлиб учган.

Шайтоний қаҳ-қаҳа билан жаҳолат,
Барчани қўрқитган пайтида ҳайҳот –

Илм машъаласин кутарганча даст,
Дилин эзгуликка этганча пайваст –

Майдонга чиқади мисли баҳодир,
Кўзи келажакни қўришга қодир.

Кукундек соврилар кумуш-у тилло,
Ки идрок жаҳонда баридан аъло.

Тарихдан ўчгувси қоронғи чоҳлар,
Тахтида гердайган юзлаб подшоҳлар.

Келажак авлодлар номин билмагай,
Ўйу ҳаёлларин, комин билмагай.

Кетарлар келмаган кабидир гүё,
Уларни назарга илмайди дунё.

Лекин ёддан чиқмас эзгу амаллар,
Ўчириб кетолмас асрий шамоллар.

Ақл йулларини тусолмас ҳеч кас,
Юлдузга тош етмас, билингизки, бас.

Бир инсон ҳақида сўзлай ҳикоя,
Рухлари шод бўлгай бизлардан шояд.

Лақаби Беруний, исм – Абу Райҳон²,
Ер юзи бўлмишдир илмидан ҳайрон.

Завқидан мавжланмиш дарёи азим,
Ташрифидан хурсанд қадим Хоразм.

Жаҳонда бу қадар буюклардир кам,
Идрок қувватига вақт эрур ҳакам.

Ун аср тумани оша бир шоён,
Бизга қараб турар гүё навқирон.

Илм тоғларини забт этган даҳо,
Олимлар ичида мисоли анқо.

Ўзин тилсим аро қилмишдир пинҳон,
Котнинг маъданлари шундай бегумон.

2

Тўққиз юз етмиш уч – йил эди сана³,
Иккинчи зулҳижжа, куни – пайшанба.

Янгича ҳисобга қилсак гар таъбир,
Кузак аввали, туртинчи сентябр.

Ноёб бир чақалоқ топмиш таваллуд,
Курган тушларидан онаси хушнуд.

Маскани шаҳардан эди ташқари,
Эли фаровондир, шоддир ёш-қари.

Хоразм пойтахти – гўзал шаҳар Кот⁴,
Фозиллар илм ила қоқмишлар қанот.

Аму қирғоғидан тошган вақт ахир,
Вайрон бўлган эди гўзал шаҳар Фир⁵.

Шундан сўнг Кот шаҳрин обод қилдилар,
Маккор ғанимларни ношод қилдилар.

Савдо карвонлари тўхтаб утарди⁶,
Кимда пул дарди бор, кимда фан дарди.

Бунда кесишарди Булғор йули ҳам⁷,
Овруполиклар-чи олар эди дам –

Гоҳ суҳбат қуришиб карвонсаройда,
Турли китоблардан ахтариб фойда.

Хитойга шу йўлдан кетар эдилар,
Ноёб китобларни элтар эдилар.

Ҳиндистон карвони тухтагани он,
Гурунглар қизирди – олимлар бийрон.

Эрон тужжорлари мағрур эдилар,
Бир тарафда мато, бир тарафда зар.

Хуллас, олтин кўприк эди Кот шаҳри,
Шонли мамлакатнинг пойтахт шаҳри.

Шу ерда Муҳаммад⁸ топарди камол,
Кучга тўлар эди бир бургут мисол.

Оддий гуша бўлмас даҳо ватани,
Юлдуздан ранг олмиш руҳи ва тани.

3

Тарихда қолажак ҳақлараст подшоҳ,
Илму маърифатдан бўлса гар огоҳ.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ироқ⁹,
Одил подшоҳ эди – тақдири бироқ –

Муносиб тушмади адолатига,
Дуч келди замоннинг жаҳолатига.

Бу ҳақда кейинроқ айтажакмиз суз,
Бошга тушганини қурар дерлар қуз.

Подшоҳ донишмандни олса агар тан,
Фуқаро шод бўлгай, гуллагай ватан.

Жаннат боғларидан олиб намуна,
Юртнинг ниҳоллари гуркираб унар.

Мансур¹⁰ таянч бўлмиш подшоҳга шу вақт,
Даҳо ақли ила ёришмишдир тахт.

Қондошликка туташ бунинг барчаси,
Мансур –ку подшоҳ амакиваччаси.

Улкан кашфиётлар меъмори бўлди,
Самони ўрганиб шукуҳга тўлди.

Математик эди ҳамда астроном,
Менелой¹¹ йўлини қилди бардавом.

Беруний назмидан олиб иқтибос,
Таъриф қилайлик биз, бу мантиққа хос:

“Минбарларга чиқиб, ошиб мартабам,
Ўтди неъмат соясида кўп оним.

Боқди Ироқ оиласи сут билан,
Ниҳол эдим, Мансур бўлди дармоним”¹².

Мансур Берунийга худ¹³ падар эди,
Буларнинг иккиси жуфт гавҳар эди.

Қуёш баландлигин асбоблар ила,
Ўрганди Беруний шитоблар ила¹⁴.

Ўн олти ёшида қуёшга боқиб,
Ҳайратга чумдирди Ибн Ироқни.

Ўрганди мунтазам араб лисонин¹⁵,
Глобус ясашнинг топди имконин¹⁶.

Жаҳонда илк бора глобус ясаб,
Ер шарин чизгани эмас бесабаб –

Қоронғи зулматга очган эди йўл,
Фанлар чуққисига узатганди қўл.

Дейдилар: кимда бор шундай шижоат,
Фаришталар унга тиз букар албат!

Қуёшни ва Ойни тадқиқ этди у,
Фалакка юксалмиш инсоний туйғу.

Дуч келди бир куни олими юнон,
Ўсимлик фанидан дарс берди чунон.

Ўсимлик забонин ўргатиб қўйди,
Беруний буни ҳам тақдирга йўйди¹⁷.

Тақдир ҳукми ила шундай ажабо,
Чекка бир қишлоқда улғаймиш даҳо!

Ер ости, ер усти идрокида жам,
Унга эшик очмиш ғаройиб олам.

Уни излар гуё маъданлар ўзи,
Шуъла талашади гар тушса қўзи.

Қўйингки, бир замон қолганча ҳайрон,
Европа ном бермиш унга: Ал Барон¹⁸.

Жаҳонни лол этган шу табаррук зот,
Унинг маконидир хосиятли Кот.

Бунда ҳар бир одам яшар фаровон,
Матолар арзондир, арзон эрур нон.

Ариқларда гўё оқарди шарбат,
Табиблар илқидан чекинарди дард.

Шундай давлат эди гуллаган алҳол,
Довруғи дostonдир Боғ Эрам¹⁹ мисол.

Бу юртда адолат барқарор эди,
Юлдузлар нафаси бир девор эди.

Ошно тутинганди бури-ла қузи,
Элнинг амал билан бир эди сўзи.

Шўхчан қўшиқ айтиб қизу жувонлар,
Мавж уриб турарди дарё томонлар.

Гоҳида жушарди бирдан жунунлар,
Фароғат яшарди Лайли – Мажнунлар.

Севги савдоси ҳам тушиб бошига,
Ёш олим талпинмиш йигит ёшида.

Кўнгилни забт этмиш ул моҳитобон,
Ифорин таратиб бир сулув Райҳон.

Самони эслатар мовий кўзлари,
Мумдек эритарди танни сўзлари.

Сочлари жингала елкаси узра,
Юрмайди юганда – оққушдек сузар.

О, қиё қарашлар! Кўзлар жодуси,
Тун чоғи қочади олим уйқуси:

“Дийдорга бўларми ҳеч қачон қониб,
Ёниб кетмоқдаман, севгидан ёниб!

Лабларинг асалдан тотлидир Райҳон,
Сени кўрмасам гар – бу дунё ёлғон.

Кўп сир-синоатни кашф эта билдим,
Аммо, сенинг қалбинг мен учун тилсим.

Шивирлаб жонимни ёқиб кетурсан,
Мени беҳишт сари шу он элтурсан.

Сен мени қўлласанг – жаҳон қўлимда,
Тошлар эриб кетар илқис йўлимда.

Фақат мен билан бул – кетмагин йироқ,
Дузах азобидир фақирга фироқ.

Тонгга довур сени ўпиб қонайин,
Муҳаббат ўтида доим ёнайин.

Менга чикорадир қилич ҳам, қин ҳам,
Кўкда қанот қоққан учқур лочин ҳам.

Шахло кўзларингда аксим кўраман,
Тилло сочларингни доим ўраман.

Сени кўп кўрмагай фақирга Худо,
Сенинг умринг тилаб қилгум илтижо!”

Райҳон дер: “Сўзларим тингла Муҳаммад,
Аллоҳ инъомидир билсанг, муҳаббат.

Муҳаббат кўнгилнинг ишидир азал,
Муҳаббат туфайли сувлар ҳам асал.

Аммо, ўзга бўлар тақдир йўриғи,
Жинларга ўлжадир отнинг тўриғи.

Сени унутмасман токи тирикман,
Қайғу, дардларингга доим шерикман.

Сен менинг кўнглимда яшарсан, ҳайҳот –
Лекин ўз ҳолимга қўймагай ҳаёт.

Бахт ҳақда сўрасанг – тундай қародур,
Бизнинг йўлларимиз, билсанг, айродур.

Чунки, бу дунёда йўқдир адолат,
Бир куни чанг солгай бизга жаҳолат.

Қуёшнинг юзини бекитар булут,
Олисларга учгин – сен мени унут!

Муҳаббат достонин ортиқ сўйлама,
Юлдузларга кўз тик – мени ўйлама.

Сунгги нафасгача дуода қолай,
Хаёлан ҳамиша дардингни олай.

Асарда тасвирла оразимни ҳам,
Дунёга танитгин Хоразмни ҳам.

Сенга қойил қолсин бутун Ер юзи,
Шунда рози бўлгим – бу Райҳон сўзим.

Минг йиллар ўтса-да севгимиз яшар,
Унутмагай асло номингни башар.

Чунки сен замини осмон фарзанди,
Қуёш улкасининг эрка дилбанди.

Шоҳлар отдан тушгай сенинг туфайли,
Сен Мажнун эурсан, Билимдур – Лайли.

Сунгги қонинггача фанга тортиқ эт,
Фисқу фасод қўпса уз юртингдан кет!

Мен эсам сенга ҳеч бермайин халал,
Ҳамиша руҳингга бўлайин маҳтал.

Сенга ярашади танҳолик эй дўст,
Сенга ярашади аълолик эй дўст.

Ранж чекмай муродга етиб бўлмас ҳеч,
Устингдан одамлик либосини еч!

Сенга фаришталар қавми харидор,
Улар имламоқда – энди яхши бор!”

Беруний бу гапдан паришон бўлди,
Турли тилсимотга бир нишон бўлди.

“Дарсу иқтибосда курганинг юмшоқ,
Мулойим феълимга алданма асло.

Мен жангга киришсам ёмонлик истаб,
Инсу жинслардан ҳам ўткирман аммо”²⁰

Яхшига яхшиман, ёмонга ёмон,
Менга сен кераксан, керакмас осмон.

Менга кесак каби жавоҳирлар ҳам,
Тиғимда тортилар баҳодирлар ҳам.

Мазкур сўзларимни лоф деб ўйлама,
Дилимни доимо соф деб ўйлама.

Ақлимни жам этиб яасам қурол,
Дунё тўзғиб кетур бир кукун мисол!”

“Бас!” деди маҳбуба: “Сўзлама ортиқ,
Аллоҳдан берилган тақдирдир тортиқ.

Манглайда борини ўқийди банда,
Қилмасайди қисмат бизни шарманда!”

4

...Ярим тун чоғида қўпти тўпалон,
Зулматга қоришди ер билан осмон.

Бировлар тушмикан дея тўлғонди,
Беруний ур-ҳодан чўчиб уйғонди.

Қаради олисга чиқиб ташқари,
Оёққа қалқибди кўрса ёш-қари.

Йилтиллаб келмоқда минглаб чироқлар,
Ёришиб кетмоқда яқин-йироқлар.

Шаҳар ут ичида ёнмоқда алҳол,
Отлар кишнамоқда дупурлаб не ҳол.

“Халойиқ жангга!” деб солинмишдир жар,
Майдонга тизилмиш шу онда лашкар.

Бирдан тарқаб кетмиш подшоҳнинг кайфи,
Ақлини чоширмиш ажалнинг хавфи.

Лашкар қуролини этгунича тахт,
Ут ичра соврилди қадимий пойтахт!

Қирмиз тусга кирмиш дарё суви ҳам,
Гуёки оловдан иборат олам.

Осмонга урламиш доду фиғонлар,
Қиёмат қўптими ё мусулмонлар!

Халойиқ йул бурди қабристон сари,
Чунки, даҳл қилмас ғаним лашкари.

Котни ёв босди-ку мўри-малаҳдай,
Ҳар тараф отилар ўтли палаҳман²¹.

Котликлар енгилди то тонгга довур,
Саҳарда сал тинди сас, ола-ғовур.

Подшоҳни шу онда асир олишди,
Дўзах азобига нечун солишди?!

Бошини танидан қилдилар жудо,
Бу не кўргуликдир эй қодир Худо?!²²

Малаклар тушига киргандир балки,
Тасдиғини топди Райҳоннинг гапи.

Кимки яқин бўлса шоҳ саройига,
Кимса чидаб билмас оҳи-войига.

Юрт-ку вайронага айланди туйқус,
Ўққа нишон бўлди улкан глобус!

Оловга чулғанди қўлёмалар ҳам,
Асални кўрдилар ит билан баҳам.

Бир итки аждарҳо сингари қопар,
Ойни этак бирла бир онда ёпар!

Бу ишга бошу қош ким эрса – малъун,
Урганжнинг бир жоҳил подшоҳи Маъмун.

Илова:

*Ўша тонг Қиёт ҳокими қалъасида бошланган ёнғин
бир зумда бутун шаҳарга таралади, чунки саҳрода
қутарилган довул ёнғин учқунларини осмони фалакка*

олиб чиқиб, ён-ёққа сочади, улардан кўтарилган олов эса аждаҳо каби даҳадан-даҳага, уйдан-уйга, дукондан – дуконга сакраб, бутун-бутун расталар, уйлар, карвонсаройлар, қасрларни ямлаб ютади.

Абу Райҳон қулида беҳуш Райҳонабону, боққа қочиб чиқади. Жайҳун соҳилида туриб, Қиёт бошига тушган мислсиз офатни, гуё бир боғ шувоқдай ловиллаб ёнган дуконлар, туташ расталар, уйлар, карвонсаройлар, қасрларни ўз кузи билан кўради. Жаҳаннам ичида қолган одамларнинг фарёдини, думлари ва ёллари ёнган отларнинг кишнаши, қуй ва эчкилар, мушук ва итларнинг одам боласи янглиғ зорли йиғисини эшитади, кўзида ёш, юраги қон бўлиб эшитади.

Одил Ёқубов.

(“Кўҳна дунё” романидан)²³

5

995 йили Урганч амири Маъмун ибн Муҳаммад кутилмаганда Котга ҳужум қилиб, уни босиб олади, котлик Хоразмшоҳни қатл эттириб, бутун Хоразмни ўз ҳукми остига бирлаштиради. Бу уруш барча... қатори Берунийга ҳам ғоятда қимматга тушади: унинг қанчадан-қанча машаққатлар билан ясаган глобуси, кўп йшлик кузатишлари натижасида эришган шмий ютуқлари йўқ бўлди.

Беруний қатл этилган Хоразмшоҳга яқин кишининг шогирди бўлганлиги сабабли Урганч шоҳи унинг ҳам жонига қасд қилиши мумкин эди. Шунинг учун олим Ватанини ташлаб кетишга ва маълум вақтгача муҳожирликда яшашга мажбур бўлади.

П.Г.Булгаков.

(“Абу Райҳон Беруний” китобидан)²⁴

Юлдузлар йўлига термулган нигоҳ,
Ердаги ёнғиндан бўлмабди огоҳ.

Кулин совурдилар ота маконин,
Не-не алломалар топширди жонин.

Етимлик азоби етмасми эди,
Ахир Райҳони ҳам бир хасми эди.

Урганжда бўлибмиш энди асира,
Ақлига сиғдира билмагай сира.

Фалакнинг ишидан айлар фиғон, дод,
Қайларда дарбадар ул Мансур – устод?!

Қонига бўялмиш мағлуб подшоҳ ҳам,
Тарих саҳнасида вақт эрур ҳакам.

Беруний бир ғамгин хаёллар сурди,
Отининг бошини Рай²⁵ сари бурди.

Техрон жанубида эди бу шаҳар,
Ғанимдан қочди у то шому саҳар.

Чунки улжасини ахтарган Маъмун,
Ақли калта эди, дасти-чи узун.

Тўққиз юз тўқсон беш бўлганда сана,
Беруний Рай ичра топмиш бошпана.

Хўжандий бирла у қилди мулоқот²⁶,
Яна ўз измига тушгандай ҳаёт.

Исфохонлик дўсти уй берди унга²⁷,
Жони омон қолди – шод эрур шунга.

Урганждан Райҳони битар гоҳ мактуб,
Кўзлари гирёндир хуш хабар кутиб.

Унга далда бўлди Ҳасан-Ҳусанлар²⁸,
Энди руё сари йитди кишанлар.

Расадхона бўлди суюкли жойи,
Такрор урганишга киришди ойни.

Уни мунозара они кутарди,
Баҳс бойлаб баъзида илқис ютарди.

Яна фалак ила ошно тутинди,
Ақл нури ҳайдади аччиқ тутунни.

Олим давраларда бўлди кўп ғолиб,
Эрон заминидан доврўқлар олиб –

Подшоҳ ад-Давладан олқиш эшитди²⁹,
Форсий маконда ҳам қўлёзма титди.

Кузига табаррук куришиб имло,
Тобора ёришиб борарди дунё.

Аммо, муҳожирлик нони қаттиқдир,
Уни шу кўйларга солганди тақдир.

6

*Мен олий даргоҳдан узоқлашиб, шарафли хизмат
саодатидан маҳрум бўлган кунларимда Рай шаҳрида
илми нужум олимлари қаторида саналуевчи бировни
курдим. У (Ой) манзиллариға қарашли юлдузларнинг
(Ой) билан учрашувларини ҳисоб билан аниқлаб, ман-
зилларнинг работлари ва жафрларидан турли ҳукмлар
чиқарар ва бушлиқдаги ҳодисаларни олдиндан билиш-*

ни истарди. Мен унга ҳақиқат унинг (ҳисобларига) хилоф эканини билдирдим ва Ойнинг биринчи манзилига тегишли табиат, у манзилдаги хусусиятлар ва ҳиндлар тавсиф этганидек, унинг бошқа манзиллар билан боғланишини ҳамда у манзил юлдузининг ҳамал буржидан кетиши сабабли, у бурж аввалларидан кетмаслигини тушунтирдим... Мазкур киши мени мөнсимай бурнини юқори кутарди, ҳамма билган нарсаларида унинг мартабаси мёндан паст эди. У сузимни ёлғонга чиқарди, мени ҳақорат қилди ва менга буйсунмади. Ваҳоланки, орамизда фақат бойлик ортиқчалиги ва мақтовларни ёмонликларга, фахрларни айбларга айлантирувчи камбағаллик бор эди, холос. Чунки, мен у вақтда ҳамма томондан қийинчиликка учраб, паришонҳол эдим. Сунгра у қийинчиликлар қисман енгилашгач, (у киши) мёнинг (ҳақлигимга) иқрор булди.

Абу Райҳон Беруний²⁰

Шундай ўтар эди олим ҳаёти,
Қайрилган кабидир гуё қаноти.

Ёнида суюкли Райҳони ҳам йўқ,
Котнинг юлдуз тўла осмони ҳам йўқ.

Урганжда туткунда устоиди Мансур,
Ҳамон давом этар юртида ур-сур.

Хужандий сабоғи юпатар сал-пал,
Гоҳида соғ булса, гоҳида касал.

Йигирма иккида эди-да ёши,
Куп нарсага етмас йигит бардоши.

Ғариб ёт элларда шод булмас эмиш,
Ўқиган-билгани ёд булмас эмиш.

Аммо, қайғуларни енгди сабот-ла,
У курашга тушди оғир ҳаёт-ла.

Ётлик пардасини йиртди шу йўсин,
Хаёлот буржидан йиқилди тўсин.

Гоҳида қўллади уни тужжорлар,
Шикаста кўнглига бермай озорлар.

Дуру жавоҳирлар туғрисида гап
Кетгани эмасди ахир бесабаб –

Тужжорлар³¹ амали шу эди ахир,
Илмини қизғанар ким эрса бахил.

Беруний шу бобда сабоқлар берди,
Бозор растасида ризқини терди.

Рай аро Хўжандий ясаган асбоб,
Самога қадалган ноёб устурлоб³².

Астрономлар учун асосий қўрол,
Юлдуз ҳаракатин қўриб бемалол

Беруний кўнларни тўнларга улар,
Гоҳида жўш урар ажиб тўйғулар.

Устурлоб ҳақида асар ҳам битди,
Нозик асрорларин у баён этди.

Икки йил шу асно ўтди пайдар-пай,
Беруний учун тор келган эди Рай.

Маъмун ибн Муҳаммад этибди вафот³³,
Қарғишлар кучини кўрсатмишдир бот!

Уни тез қулатди дуои бадлар,
Қон ила ювилган қадим сарҳадлар.

Али ибн Маъмун янги подшоҳ бўлди³⁴,
Фозиллар ҳолидан у огоҳ бўлди.

Берунийга нома йўллагани он,
Унинг шодликлари ошганди чунон.

Аммо, Урганж тараф от сурган пайти,
Карвонлар ўтишди совуқ гап айтиб.

Афсус, Райҳонаси сўлиб қолибди,
Ҳижрон азобида ўлиб қолибди...

Қон ёшлар отилди олим кўзидан,
Гоҳи беҳол бўлиб кетмиш ўзидан!

Шунда бир назмлар тузди Беруний,
Андух дарёсида сузди Беруний:

“Масофа туфайли айшим бузилди,
Дилимда ором йўқ, тенгсиздир фироқ.

Мактубинг дардимга тўтиё бўлди,
Минглаб парихондан ўша яхшироқ”³⁵

7

...Кўз очиб кўрган севгилиси Райҳонабону... Абу Райҳон Беруний Қиёт қирғинидан сўнг Гурганжни тарк этиб, Журжонга, Журжондан Райга, Райдан Ҳамадонга утиб, мусофир юртларда дарбадар кезиб юганида оламдан ўтади.

Одил Ёқубов.
("Кўхна дунё" романидан)³⁶

Тақдир ҳазилини кўринг ажабо,
Бир тарафдан қисар доимо Худо.

Ер юзида тенгсиз олимга шу он,
Гугурт қутисидай кўринди жаҳон.

Гарчи у юлдузлар ёнида сайр
Қилиб юрган эди – дил қон барибир.

Мовий кўз санами олисга учди,
Ошиқ ёр урнига тошларни қучди.

"Энди мен дунёдан тоқ ўтажакман,
Руҳнинг васлига муштоқ ўтажакман.

Ёр бўлиб хаёлда мудом қолурсан,
Юлдуздек жилмайиб дардим олурсан.

Кечиргин, Райҳоним, ғофил бандани,
Ожизлик бобида бир шармандани.

Ёлғончи дунёда чеқдинг азият,
Кўп эди кўксингда ахир пок ният.

Нозу карашмалар ёдимда манинг,
Тупроққа қўшилмиш гулдай баданинг.

Тотли ул бӯсалар сунг нафас кадар,
Ёдимдан чиқмагай, ишон, муқаррар.

Нариги дунёда қандоқ аҳволинг,
Безовта қилмоқда ҳануз саволинг?

Рухимиз қўшилғай бамисли булут,
Бу дунё беш кунлик – мени унда кут!

Қафасдан узилса қачонки жоним,
Сеники булурман яна Райҳоним!”

Кўз ёшлар шашқатор – хуш сабо келди,
Олис-олислардан бир нидо келди:

“Муҳаммад, мен сендан айро эмасман,
Ёнингдаги нурман – дарё эмасман.

Ухласанг тушингга кирурман дарҳол,
Тушингда силарман мен сени хушҳол.

Ерда сенинг ўзинг, осмонда Худо,
Шу икки ёримдан булмасман жудо.

Соғинсанг жилмайган юлдузларга боқ,
У сенга яқиндур, авомга йироқ.

Ким айтди Райҳонинг ахир улди деб?
Нодир чечаклардек илкис сўлди деб?!

Сен борсан – мавжуддир шодонлик менга,
Сен борсан – берилур омонлик менга.

Шоҳлар сенга ҳавас қилишлари чин,
Улар бир қарғадур, сен эса – лочин!

Ожизман десанг гар хато қилурсан,
Даҳо қудратлидур – буни билурсан?!

Чунки, осмон билан беллашганинг рост,
Подшоҳлар кук учун соядур, холос.

Не бупти баданлар – Ер озуғидур,
Кук сари учгувчи Рух аталмиш дур.

Бегим, эй севиклим, жоним Муҳаммад,
Жаннатда кулишиб юрармиз албат!

Йиғингни бас айла – доим дадил юр,
Ҳар юрак урганда мени эслаб тур!”

Нидони эшитиб Жайхун тулғонди,
Беруний уйқудан шу он уйғонди.

Яна аввалгидай ишқ ёзди куртак,
Билдики, аслига қайтмоғи керак!

8

Гален (Жолинус) ва Авиценна (Абу Али ибн Сино)ни ёқлаб хато қилиш бошқаларни ёқлаб тўғри булишдан яхшироқдир.

Микеланжело³⁷

Данте узининг “Илоҳий комедия”сида Ибн Синони Птолемей, Евклид, Гиппократ, Гален номлари билан бир қаторда эслатиб ўтади.

Профессор Б.Д. Петров³⁸

Юлдуз ёлғизгина бўлмас намоён,
Ахир тилсимотнинг макони осмон.

Турфа билимларга бўлганича ғарқ,
Ер юзин сайқали саналганди Шарқ.

У пайт тетапоя эди-ку аранг,
Олмонлар юрти-ю, испан ва фаранг.

Юнонлар беназир бўлганлиги, рост,
Аммо, Европадан бир шингил, холос.

Амриқо қитъаси ётарди пинҳон,
Ишора қилганди ул Абу Райҳон³⁹.

Мантиққа таяниб этмиш башорат,
Фан ҳам фаразлардан ахир иборат!

Демак, у сезибди Колумбдан аввал,
Колумб юриши-ла қилган мукаммал.

Беруний забт этди бутун дунёни,
Ўзига дўст тутди Ибн Синони⁴⁰.

Мансур ва Масиҳий эди қўш юлдуз⁴¹,
Бўзжоний олисдан ташлар эди кўз.

Бўзжоний Кот сари ёзиб мактублар,
Берунийни шараф важдан қутлар.

Кот ва Бағдодда –ку туриб икковлон,
Ойнинг тутилишин қузатмиш осон.

Илова:

Ёш олимнинг доврўғи уша даврнинг энг йирик математиги ва астрономи Абул Вафо ал- Бузжонийгача етиб боради. Бузжоний бу вақтда Бағдодда яшаётган эди. Шундан сўнг иккала олим бир-бирлари билан хат орқали боғланишади ва икки жойдан – Кот ва Бағдод шаҳарларидан туриб 997 йилги ой тутилишини кузатишга келишиб олишади. “Мен Абул Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал- Бузжоний билан у Бағдодда, мен эса Хоразмнинг марказий шаҳри (Кот) да бўлганимда Ойнинг тутилишини биргаликда (икки шаҳардан) кузатиш туғрисида келишдик, - деб ёзади Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида. – Биз бунини 387 ҳижрий (997 милодий) йилида амалга оширдик”.

Бузжоний ҳамда Берунийлар томонидан бир вақтнинг ўзида олиб борилган кузатишлар натижаси ўша вақт учун жуда аниқ бўлди. Олимлар топган Бағдод ҳамда Кот шаҳарлари вақти орасидаги фарқ шунақа кичик бўлдики, Беруний уни бир соат (15) деб олишни маъқул топади. Бу икки шаҳар вақти ўртасидаги ҳақиқий тафовут 1 соату 5 минутни ташкил этади.

997-998 йилларда Беруний Абу Али ибн Сино билан хат ёзиша бошлайди. Ибн Сино бу вақтда 17 ёшида бўлиб, Бухорода истиқомат қиларди.

П.Г. Булгаков.

(“Абу Райҳон Беруний” китобидан)⁴³

Энди сўз очайлик ибн Синодан,
Фарбчасига айтсак Авицинодан.

Ромитон улуғи эди падари⁴⁴,
У ҳам ўз даврининг бўлмиш гавҳари.

Афшонадан қиз олиб кучмишдир ул,
Дилини ром этмиш Ситораи гул⁴⁵.

Кўп шеърларни ёдлар эди Ситора,
Рўдакийдан ўқир эди кунора.

Сана тўққиз юзу яна саксонда,
Бир ўғил туғилди шу хонадонда.

Ҳусайн аталди муродбахш гўдак,
Кўзлари боқарди ҳар тараф зийрак.

Шеър ёдлай бошлади олти ёшида,
Эртақлар тинглади она қошида.

Бухоро шаҳрига келишди кучиб,
Қишлоқи орзулар хаёлдан ўчиб.

Отаси Абдулло донишманд инсон,
Ўғлини суярди гоҳида чунон.

У билан мулоқот қиларди баъзан,
Шеърлар эшитарди мурғак боладан.

Амир саройига ишга кирмиш у,
Оталик важҳидан кўнгилда туйғу.

Кундан кун ўсаркан Ҳусайн ўғли,
Ўйлаб юрганлари чиқмишдир тўғри.

Шу бола ҳолида гаплари кескир,
Фикрлари теран, зеҳни ҳам ўткир.

Домла саволларга беролмай жавоб,
Кўп китоб ахтариб бўларди хуноб.

Охири мактабга келмагин, деди,
Менинг ожизлигим билмагин, деди⁴⁶.

Ўшанда Хусайн – ўн яшар бола,
Йўқ, бола демангиз, бамисли “балол!”

Бир варақ очдими – ёд булар шу он,
Қийин мисоллар ҳам болага осон.

Ота олим ёллаб уқитди уни,
Идрок шуълалари ёритар тунни.

Нотилий фалсафадан бериб сабоқ⁴⁷,
Ярим оқшом қадар тинмас эди гоҳ.

Хусайн саволлари бисёр эди лек,
Баҳсга киришарди гуё олимдек.

Сукроту Арасту Афлотундан ҳам,
Баҳс олиб боришар эдилар илдам.

Айниқса Арасту жон дилидир рост,
Унинг фалсафаси руҳиятга мос.

Яна бири домла Маҳмуд Масохдир,
Ҳиндий ҳисобидан у эди моҳир.

Алжабр илмидан сабоқ берди хуб,
Фанлар шукуҳидан жушқин бўлди куп.

Сунг эса Масиҳий билан танишди⁴⁸,
Буюк табибга у шогирд ҳам тушди.

Хоразмдан келганди Масихий устод,
Беруний ҳақида сўзлаб берди бот.

Масихий боғлади икки даҳони,
Ки яқин келганди улар лисони⁴⁹.

9

998 йилнинг охири ва 999 йилнинг бошларида Беруний Журжонга келиб, бу ернинг ҳокими Қобус ибн Вашмгир саройида хизмат қила бошлади. Кейинги тадқиқотлардан маълум бўлишича, Беруний 1004 йилга қадар Журжонда истиқомат қилган. Бу даврда олим тахминан 15 та асар ёзди. Олим Журжондалигида у ерлик жуда кўп илм аҳллари билан танишди. Берунийнинг Хоразмда қолган устози Ибн Ироқ ўз шогирдига бағишлаб 12 та рисола ёзди ва уларни Журжонга – Берунийга юборди.

П.Г.Булгаков.

(“Абу Райҳон Беруний” китобидан)⁵⁰

Карвонлар ўтади қўнғироқ чалиб,
Кўҳна Шарқ тобора борар юксалиб.

Рақобатдош эрур Турону Эрон,
Арабий лисонда сўзларлар бийрон.

Барига сабабдир билим деган ганж,
Хоразм бирлашди – пойтахтдур Урганж.

Минг йиллик шу йўсин топди-ку яқун,
Билим машъалидан чароғон очун.

Ёзув муъжизаси мавжуд экан то,
Коинот сирларин очувси ҳатто.

Идрок порламаса эзгу юмушдан,
Не фойда айтингиз олтин-қумушдан.

Ақл йулларини тўсганда парда,
Нодонлар саҳнага чиқса агарда –

Куқундек соврилар обрў ҳам, шон ҳам,
Ҳайвонга эврилар шунда инсон ҳам.

Дарахт илдизига тушган каби қурт,
Аста сулиб борар билдирмайин юрт.

Маҳобат касб этиб қадимий Журжон,
Ўзини фан аро қилмиш намоён.

Журжонга интилар олим, шоирлар,
Унда ечилгуси жумбоғу сирлар.

Беруний бу юртга борганда шитоб,
Изидан етганмиш бир туя китоб.

“Ёдгорлик”⁵¹ асарин иншо қилди у,
Ўзига бир ҳайкал бино қилди у!

Унда жамулжамдир фаришта, қуш ҳам,
Қуёшнинг ошиғи доно Зардушт ҳам.

Юнону румликлар урфу одатин,
Хоразм элининг ҳам саодатин –

Форсийлар, араблар байрамларини,
Жоҳилия даврин одамларини;

Жо-бажо айлади шундай пойидор,
Тарих тилга кирди бир афсонавор.

Қалам қоғоз узра тинмас эди ҳеч,
Дурларини сочиб, шундоқ эрта-кеч.

Қанча шамлар ёниб адо бўлдилар,
Адашган зулматлар садо бўлдилар.

Қулёзма эмасми мисли жавоҳир,
Келажакка бориб етгувси охир?!

Булар наки инсон – тирик хазина,
Фалакка интилган зинама-зина!

Абу Райҳон эса пир эрур нодир,
Буни обдон билар подшоҳ Вашмгир⁵².

Аллома илмига айтмиш тасанно:
“Сендек донишмандни кўрганму дунё?

Бўсағанг тиллодан қилурман ўзим,
Вазирим бўлғайсен – Вашмгир сўзим!

Онаси ўлмаган малакларни ҳам,
Ипақдай мулойим билакларни ҳам –

Инъом этажакмиз – қанчаси керак,
Паридан бақувват бўлғувси юрак.

Хушсуврат йигитсан – кўпдур эҳтирос,
Оппоқ қушчаларни чирқиллатиб бос!

Сендан айлансинки арғувон бода,
Бир сархуш буларкан учгин ҳавода.

Ховурингни босгин – зотдор тулпорлар,
Самовий парвозга ҳамиша чорлар.

Давлатимнинг ярмини берайинми айт,
Менга асарлар бит, ёзғил утли байт.

Осмон қулингдатур – билиб турибман,
Мен сенга ҳомийлик қилиб турибман.

Мактуб ёз – чорлагин устодингни ҳам,
Сен бирла шодликни кургай у баҳам.

Чорлагин – тез келсун Ибн Синолар,
Шаънига тиклагум бунда минорлар.

Расадхона қурай, қурай мадраса,
Олимлар айшини сургайдур роса.

Жаҳоннинг пойтахти булгайдур Журжон,
Ҳайратбахш зиёга тулгайдур Журжон!”

Лол қолди бу гапдан улуғ аллома,
Қулидан сирғалиб тушмишдир нома.

“Бир уйлаб қураин!” деди-ю шу зум,
Подшоҳга эгилиб айлади таъзим.

Вашмгир кузида айёрона нур,
Чақнаб турар эди завқ ила сурур!

Кулбасига келиб қаҳ-қаҳ отди у,
Ҳавойи гаплардан ғамга ботди у.

Довотидан шундоқ олар экан пар,
Қоғозга тўкилди ушбу сатрлар:

“Ким учса саъй-жаҳд қилмай шуҳратга,
Карам либосига кўзи бўлса оч.

Фафлат соясида шод бўлур, аммо,
Шараф кийимисиз қолар яланғоч”⁵³

Тонг саҳар саройдан келмишдир хабар,
“Он ҳазратларики қошига чорлар!”

Подшоҳ ҳузурига борди у шитоб,
Қўлда якунига етган бир китоб.

Савол назари-ла термулди подшоҳ,
Беруний ҳолидан бўлмоқ-чун огоҳ.

Аллома гапини бошлаб узоқдан,
Ҳангома айлади аввал ҳар ёқдан.

“Таъзимим қабул эт Шамс ал-Маолий⁵⁴,
Жаҳон айвонида шарафи олий.

Фақирга иноят эттинг, ташаккур,
Ҳеч недан арзим йўқ – Худога шукур.

Пайғамбар демишки, дардинг арисин,
Олимлар эрурким менинг ворисим⁵⁵.

Ворислик мартаба бизга, онҳазрат,
Шундадур роҳат ҳам, шундадур иззат.

Бошқа эҳтиромлар бизга не лозим,
Рухсат эт – бардавом бўлсин парвозим.

Фақирга мукофот – тинч қўйсанг агар,
Чунки, қизиқтирмас малаклару зар.

На мансаб, на бойлик ҳаваси бордур,
Боиси фаришта фақирга ёрдур.

Самодан сузлагай тунлари узоқ,
Англадим: бу дунё мен учун тузоқ.

Унутмам мен асло сийловингни, шоҳ,
Дарду аламимни аритгансан гоҳ.

Мусофир кўнглини шодон этдинг сен,
Зулмни енгмоқни осон этдинг сен.

Сенинг ҳимоянгда беш йил яйрадим⁵⁶,
Чаманда булбулдай ёниб сайрадим.

Рухсат бер: Хоразм сари от сурай,
Юртни хуб соғиндим – ёримни кўрай!⁵⁷

Сенга шараф бўлсин – толега ёрлик,
Сенга бағишладим, мана “Ёдгорлик”.

Вашмгир бу гапни тинглаган ҳамон,
Жаҳлига эрк бериб, суз айтди ёмон:

“Илм топиб, ақл топмабсан асли,
Айтмишлар менга ҳам: бетайин насли!

Ашқол-дашқолингни тезроқ йиғиб ол,
Қиличим чиқмасдан кўзимдан йўқол!»

10

Подшоҳлар феълени билиб бўлмас ҳеч,
Уларга ошнолик қилиб бўлмас ҳеч.

Чунки, тахтдан узга ошноси йўқдир,
Чунки, тождан бошқа дунёси йўқдир.

Нимаки истакка келса тескари,
Уни даф этади юҳо сингари.

Дўстими ё фарзанд – унга барибир,
Подшоҳга шу йусин яралмиш тақдир.

Ёзу қиш ҳолати бўлур намоён,
Зумда ер булгувси ва зумда осмон.

Боладек куринар гоҳи қарасанг,
Балодек куринар гоҳи қарасанг.

Подшоҳ кулгусига ишонма зинҳор,
Кулиб-кулиб сени ўлдирар беор!

Ундан узоқлашиб кетма сен асло,
Яқинлашиб ҳам қолмагин сен аммо.

Узоқлашиб кетсанг – совуқ қотарсан,
Яқинлашсанг – куйиб, ғамга ботарсан.

У бир ут, англагин, ёнади лов-лов,
Домига тортса гар сен қочгин дарров!

Бир зумда – шиллиққурт, бир зумда – чаён,
Бунинг сир-асрори Аллоҳга аён.

Алқисса, Вашмгир жаҳлидан тушиб,
Алломони обдон яна урушиб –

Унга тилло-кумуш инъом этди хўп,
Яна зотдор тулпор, китоблар тўп-тўп.

Бөрүний кўзлари ёшланаркан бот,
Карвон йўлларида суриб кетди от.

Сана: минг туртинчи – аср аввали,
Қайта гулламоқнинг келганди гали –

Хоразм ўғлига эди кўп муштоқ,
Дерлар: уз юртингнинг тупроғи юмшоқ.

“Хоразм” не демак? “Кўёш ўлкаси”¹⁰.
Унда зоҳир эрур малак нафаси.

Зардушт юртин “Гаиризо” демиш,
Бунда ўт-ўлан кўп, кўп эрур ёмиш.

“Ховарразм” – гўшт ва ўтнинг макони,
“Хахрезм”дир - баҳодирлар майдони.

“Хувор зам” – “Кўёш ери ўлкаси” дир,
“Зам”ни “зем” деганлар ўтмишда ахир.

Балки “земля” сўзи бизники азал,
Хоразмча бермиш кўп сўзга сайқал⁵⁹.

Беруний бу ҳақда битгандир асар,
Хоразм тарихин айлаб мухтасар⁶⁰.

Бу ҳақда гапларни этмайлик дароз⁶¹,
Бир олис ўтмишга айлайлик парвоз.

Карвон қўнғироғи жангур-жунгурин,
Эшитиб болалар чиқмиш юғриб.

Урганжга ёйилмиш шу он хушхабар,
Тужжорлар сафида Беруний келар.

Чопарин юбормиш Хоразмшоҳ Маъмун⁶²,
Ногаҳон ташрифдан бўлиб бир мамнун.

Беруний отининг жоловин қўйиб,
Ерга чўккалади – йиғлади тўйиб:

“Дарбадар ўғлингни қабул қил, Ватан,
Сенга руҳим фидо, фидо эрур тан.

Ҳижрон азоблари бағримни тилди,
Ҳар лаҳза ёдингни муқаддас билдим.

Неки илмим бордур – сенгадур нисор,
Сенинг тарихингни қилгум пойидор.

Устозим, на устоз, отам бормисан,
Севинч ёшларимга дунё тормисан?!”

Бори эл тупланди карвон қошида,
Гуё Ҳумо пайдо Урганж бошида.

“Болам!” деб отилди Ибн Ироқ ҳам⁶³,
Соядай чекинмиш шунда фироқ ҳам.

Сузга айланмасди тили ногаҳон,
Ёронини кучиб Масихий шодон⁶⁴.

Ҳол-аҳвол сурмасдан эсанкирар у,
Қалбида жуш уриб самовий туйғу:

“Забт этажакмиз бизлар дунёни,
Яқинда курарсен бунда Синони!”⁶⁵

Фам ўрнин хуррамлик эгалламиш бот,
Фуқаро олқишлар, подшоҳ Маъмун шод.

“Ҳой-ҳой”лаб даврани бузмаса чопар,
Бошланиб кетарди зўр туй муқаррар!

Энди очилганда хумнинг қопқоғи,
Узоқдан куринди вазир қалпоғи!

11

Подшоҳ саройида томоша, базм,
Буқун байрам қилур бутун Хоразм.

Чинни қадахларда тортилмиш шароб,
Хуш таъм нон ичида билқиллар кабоб.

Ёввойи ғоз гўшти терилган қатор,
Чарх олма ифори иштак уйғотар.

Кўзингни олади келинбармоқлар,
Кўйингни, тақиллаб кетар тамоқлар!

Зиралар сепилган Жайхун лаққаси,
Яна увилдуруқ – балиқ чақаси.

Махсус идишларда сақланган гурвак⁶⁶,
Олтиндек товланиб турибди бешак.

“Мархабо, аллома!” дейди шоҳ Маъмун,
Гурвакка бир қара, татиб кўр таъмин.

Оғизда эригай ҳалво мисоли,
Кел, сён ила қадаҳ уриштироли!”

Устма-уст ичилгач қизийди калла,
Бошдан учиб тушар гоҳида салла.

Аммо, шоҳ ҳушёрдир бунда доимо,
Машшоқлар тарафга қилади имо.

Бирдан сокин сасни жаранглатар уд⁶⁷,
Гўё бу асбобни чалгандек Довуд⁶⁸.

Кумуштан парилар бўлишар пайдо,
Кўрган кўз жисмига бўлгувси шайдо.

Худди суяк йўқдир танда бир дона,
Товусдек уйнашар илкис тўлғона.

Сўнг лазги куйидан бўлишар беҳол,
Малика жилмаяр ёноқлари ол.

Беруний кўзига кўринар инжу,
Вужудин эгаллар бир жўшқин туйғу.

Эҳтимол келибди унинг замони,
Қани кўрса эди буни Райҳони...

Фано деганлари шундаймиш азал,
Бир ёнда заҳару бир тараф асал.

Маликага қараб айлайди таъзим,
Жавоҳир мунчоққа солади разм...

Энди тинч қўяйлик алломани ҳам,
Йулда чарчаб келган, биров олсин дам.

Подшоҳ тўғрисида сўйлаб ҳикоя,
Обдон таништирсак – шу эрур гоё.

Подшоҳ ким дерсизлар? Маъмуннинг ўғли,
У –ку эгри эди; буниси тўғри.

Котни вайрон этган эди униси,
Яна обод этди бу кун буниси.

Униси Беруний қасдида эди,
Жоҳиллик жабҳасин пастида эди.

Шу боис қарғишга бўлмиш у дучор,
У дунёга кетди бўлиб бир абгор.

Бу шоҳ Берунийга битганди мактуб
Кўзлари тўрт бўлмиш карвонни кутиб.

Яна шоҳ Синога талабгор бўлди,
Юлдузларни йиғмоқ – зўр қарор бўлди⁶⁹.

Ҳарбий соҳада ҳам у яна жушиб,
Оз фурсатда тузди жанговар кўшин.

Маҳмуд Ғазнавийнинг⁷⁰ кўзи ўйнади,
Бир бадбин хаёллар ҳеч тинч қўймади.

Узоқни кўзларкан келмай уйқуси,
Ғолиб келар эди шоҳлик туйғуси.

Хоразмга кўзин тикканлиги рост,
Куда-андачилик ўйиндир, холос.

Париваш синглисин Маъмунга берди,
Ишрат лаҳзаларин у мунга берди.

Маъмун шодон бўлиб қизга ёпишди,
Ошиғу маъшуклар шундоқ топишди.

Маҳмуд эса доим пойларди фурсат,
Ўз элин сақлади – шу ҳам ғанимат.

Энди алломалар даврасида у,
Маҳмуднинг кўксида ўрлади ғулу.

Урганжни-да афзал билган чоқ Сино,
Кўзига қоронғи кўринди дунё.

Олтин ёнидаги мис каби бўлди,
Юраги зардобу андуҳга тўлди.

12

Бухоро ғоят нотинч бўлди. Илмли кишилар, шоирлар, ҳисобдонлар, файласуфлар, меъморлар шаҳардан ғойиб бўлишди; угри, муттаҳам, фолбин, суфилар ва турли-туман авлиёлар эса кўпайиб кетди.

Таниш-билишлар ўзаро эркин сўзлашишдан қўрқадиган бўлишди. Бу ҳол эса мамлакатнинг хароб бўлаётганидан дарак берарди. Шу орада Ҳусайннинг отаси Абдулло ибн Сино вафот этди. Отаси вафоти олди-дан оиласига Бухородан воз кечиб, Хоразмга кетинглар, деб васият қилади.

С.А.Каримов, А.Е. Шаламаев.
("Абу Али ибн Сино" китобидан) ⁷¹

Хоразмнинг бойлиги ва имкониятларини ҳисобга олган Маҳмуд Ғазнавий хоразмшоҳ Али ибн Маъмун ва унинг укаси Маъмун ибн Маъмунларга ўзининг сингилларини бериб, Хоразмни қарам қилиб олишга уринади.

Мадрим Жуманиёзов.
("Маъмун академияси" китобидан) ⁷²

Берунийни обдон эъзозлади шоҳ,
Сухбатига чорлаб турар эди гоҳ.

Мубошир⁷³ мақомин этаркан тортиқ,
Олимга ҳурмати борарди ортиб.

Ибн Сино келди бир йилдан кейин,
Унга ҳам кўп ишлар этди шоҳ тайин.

Урганж осмонида зангори зиё –
Бунда баробардир икки зур даҳо.

Жуфт сарой қурдирди – унга ҳойнаҳой⁷⁴,
Тунлари ҳавас-ла боқар эди ой.

Нодир китобларни йиғдирди Маъмун,
Ижодга шунғишди олимлар кун-тун.

Араблар бармоғин тишлаб қолишди,
Қайдасан Урганж деб, йўл ҳам солишди.

Дейдилар: Беруний араб лисонин
Ўрганган эмишдир арабдан олдин⁷⁵.

Бу гаплар лоф эмас – тарихда кечмиш,
Еттита тилни у сув қилиб ичмиш.

Ҳатто билар экан ҳинд тилин чандон,
Ҳоразмий тилини билар суҳандон.

Юнон тилида ҳам сўзлар у бийрон,
Суғдию сурёний у учун осон.

Форсий тўғрисида айтмай қўяйлик,
Яҳудий тилига гапни бурайлик.

Қадимги яҳудий тилини билар,
Олимлар аҳволин доим танг қилар.

Асарларин битмиш араб тилида,
Шу боис машҳурдир араб элида.

Энди сўз очайлик Ибн Синодан,
Бормикан унингдек табиб дунёда?!

Ер юзи унингдек табиб кўрмади,
Ер юзи унингдек ҳабиб кўрмади.

Урганж заминида униб, усди у,
Жаҳолат йўлини шунда тўсди у.

Мушукдан йўлбарсга дўниб асабий,
Унга кўз тикарди Маҳмуд Фазнавий.

Чунки, шоҳ юз ёшни кўзлаб юрарди,
Ибн Сино ҳақда сўзлаб юрарди.

Ибн Сино шундай битмиш сатрлар,
То башар унутмас бутун асрлар.

Авлодлар бу шеърни доим олур ёд,
Дейдилар: ҳар дардга табибдан имдод:

“Қаро ер қаъридан то авжи Зухал
Коинот мушкулин барин қилдим ҳал.

Кўп мушкул тугунни англадим, ечдим,
Ечилмай қолгани биргина ажал”⁷⁶

Илова:

Уша вақтларда Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун ҳузурида ҳар ҳафтада бир марта илмий йиғилишлар бўлиб турарди. Йиғилишлардан бирида Ибн Синонинг баён этган фикру мулоҳазалари Хоразмшоҳга маъқул тушиб, уни беш минг динор пул билан мукофотлайди.

Ибн Сино бу пуллар туфайли тез орада уй-жойли булади. Энди Ибн Сино онаси билан укасини Бухородан кўчириб келиш ҳаракатига тушади. Аммо, шу аснода

Ҳоразмшоҳ Али ибн Маъмунга султон Маҳмуд Ҳазнавийдан, сарой олиму адибларини унга дарҳол юбортиришлари ҳақида нома келади.

С.А.Каримов, А.Е. Шаламаев.
("Абу Али ибн Сино" китобидан)"

13

Маҳмуд Ҳазнавий Ҳоразмшоҳга ҳавас қилар, Урганчнинг маданий мавқеини заифлаштириш учун ҳарчанд уринар, олимларни уз томонига оғдириб олар эди. Лекин, Ҳоразм давлати тахтига Маъмун II нинг келиши Шарқда, жумладан Урта Осиёда фаннинг ривожланиши тарихида жуда катта воқеа бўлган эди. Йирик маданият маркази бўлган Урганч саройида "Мажлис уламо"нинг ташкил этилиши Маъмун ибн Маъмуннинг номи билан боғлиқдир, бу мажлисга фаннинг уша замондаги энг яхши вакиллари йиғилган эди. Уша замонда Шарқда уларга тенг келадиган олимлар йуқ эди.

Бу илмий марказга Шарқнинг барча жойларидан буюк ҳақимлар, файласуфлар, астрономлар ва бошқа фан соҳиблари йиғилган эдилар. Улар фақат уз юртлиларида машҳур бўлиб қолмай, балки бутун Араб халифалигида ҳам маълум ва машҳур бўлганлар. Ҳоразмлик олимлар Араб халифалиги ва унинг илмий дунёси шакллана бошланган даврданоқ бу соҳада асосий ўринни эгаллаб келганлар ва уз мактабларини яратганлар. Бу олимлар Маъмун II саройининг ифтихори бўлганлар, уларнинг тинимсиз меҳнатлари туфайли фақат Шарқ учун эмас, балки Фарб ҳамда бутун жаҳон фани учун буюк қимматга эга бўлган илм хазинаси бунёд этилган.

Маъмун II "Академияси" олимлари ҳақида қисқача маълумотлар С.П. Толстов, Б.Д. Петров, И.Ю.Крачковский, В.В. Бартольд ҳамда Абу Райҳон Берунийнинг "Ҳоразмнинг машҳур кишилари", Абул-Ҳасан ал-Байҳақийнинг "Татимат сиван ал-ҳикма" ("Донишмандлар манбалари ҳақида рисола"), Ёқут Ҳам-

**мавийнинг “Иршод” (“Васиятнома”) каби асарларида
маълум даражада маъжуд.**

**Мадрим Жуманиёзов.
 (“Маъмун академияси” китобидан)⁷⁸**

Хоразм Хоразм бўлган чоғдан то,
Бу қадар шон-шавкат кўрмаган дунё!

Унга ҳавас қилган буюк Искандар,
Шу ҳақда ёзилган нодир бир асар⁷⁹.

Хоразмий эмасми учган илк инсон,
Шаҳд ила фазони кучган илк инсон?!⁸⁰

Бу ҳақдаги тарих балки афсона,
Аммо, чизмаларни курган ишонар.

Дерлар: оққан дарё оқмайин қолмас,
Шону шавкатлар ҳам изсиз йўқолмас.

Маъмун доврўқларга қуймиш пойдевор,
Ва яна бўлмишдир шоҳга омад ёр.

Унинг вафотидан кейин яна ҳам,
Ўша шону шуҳрат бўлмиш бардавом.

Маъмун ибн Маъмун тахт узра чикди⁸¹,
Жаҳолат шарпасин батамом йикди.

Олимлар, шоирлар топмиш эътибор,
Рузғори бут бўлмиш – дилда йўқ ғубор.

Тужжорларга бериб катта имтиёз,
Карвон йулларини доим қилган соз⁸².

Ҳайбатидан қурққан қароқчи бари,
Инларга бош урмиш сичқон сингари.

Барибир шоҳ уғли – томирда қаҳр,
Давлатни бошқармоқ осонмас ахир?!

Гоҳида ҳумрайиб қараган вақтда,
Не-не паҳлавонлар бўлмишдир “тахта”.

Эл ичра ҳамиша ҳурмати ҳам бор,
Беруний ёзгандек иллати ҳам бор⁸³.

Кимки ҳунарманддир – оғир иш эмас,
Мушугига ҳеч ким асло “пишт” демас.

Шарқий Европада таъсири катта,
Ўруслар бош эгар унга албатта⁸⁴.

Тупроғи унумдор – бир эксанг буғдой,
Омборинг тўлади унга ҳойнаҳой.

Олмаси каттакон чойнақдек келар,
Ҳавас-ла яшайди ажнабий эллар.

Туқайу урмони билмагай сарҳад,
Бу юртга йўлламас ҳеч қандайин дард.

Чунки, сувлари ҳам дардга даводир,
Эл-улус яшайди олмай хавотир.

Тарсиллаб туради сигир елини,
Челаклаб сут олиб чарчар келини.

Шундай замон бўлди – бу эмас эртақ,
Тарих китобларин уқимоқ керак.

Қайси юрт қашшоқдир – қочар олимлар,
Ўзга сўқмоқларни очар олимлар.

Фазнада ялтиллаб турса гар тилло,
Ширин сўз ярашар шу чоқда, илло.

Очларга не даркор юзта “сизу биз”,
Ундан афзал эрур битта “жизу биз”.

Авомга бирламчи азалдан томоқ,
Асл ҳунаридур ичмоқ ва емоқ.

Юлдузлар қоринни тўйдирмагай, бас,
Эл-улус бу фанга қилмайди ҳавас.

Аммо, қайдан пайдо мовий минорлар,
Бунинг усталари – ҳунари борлар.

Агарки сушт эрур илми ҳандаса,
Демакки, олимлар бари дангаса.

Само ва заминни айлагай яхлит,
Гар кимда пайдодир бир илоҳий дид.

Кимки малаклар-ла сўзлашса равон,
Билим майдонида удир паҳлавон.

Беруний олдида барча “жук” деди⁸⁵,
Хосу авом бори “бир буюк” деди.

“Дорил ҳикма”га у буларкан раҳбар⁸⁶,
Узук ўз қошини топди муқаррар.

Жаҳон олимлари унга бош эгмиш,
Буларнинг ҳаммаси тақдирдан демиш.

Аллома ўз нафсин ўлдирган эди,
Бошига бахт қушин қўндирган эди.

Унга не керақдир? Юлдуз-у маъдан,
Олиму шоирлар афзал ҳаммадан.

Суврати олиму сийрати дарвеш,
Олтину кумушга боқмас эди ҳеч!

Олим молу мулкдан булса мосуво,
Илм жавоҳирин сочгувси Худо!

14

... Хоразм шоҳи Маъмун ибн Маъмун Бөрунийга нисбатан барча илмлардан хабардор олимлар пешвоси сифатида зур ҳурматда бўлган. Буни Байҳақийнинг “Масъуд тарихи” китобида келтирилган мисолда куриш мумкин:

“Бир кун Хоразмшоҳ улов устида келиб, Бөрунийни ҳужрасидан чақиртиради. Нима сабаб биландир Бөруний бир оз кечиккан. Шунда сабри чидамаган шоҳ, ишни бошқа йўсинда тасаввур қилиб, от жilовини Абу Райҳон ҳужраси томонга бурган ва уловдан энди тушмоқчи бўлиб турганида Бөруний ҳужрадан чиққан. Бөруний шоҳга мурожаат қилиб, “Шоҳим, бундай қилмасинлар!”,- дёб ёлворган. Шунда Хоразмшоҳга шу байтни келтирган. Эга булинадиган нарсаларнинг энг

шарафлиси илмдир, барча илмга интилади-ю, лекин илм унга келмайди.

Кейин Хоразмшоҳ унга деган:

– Дунёвий расмиятчилик бўлмаганида эди, мен сени чақиртирмас эдим, илм ҳар нарсадан юқори, ҳеч нарса ундан юқори бўлолмайди.

Мадрим Жуманиёзов.

(“Маъмун академияси” китобидан)⁸⁷

Дерлар: Берунийнинг билган нарсаси,
Ақлга сиғмагай бунинг барчаси.

Билган нарсасидан эй ғофил нодон –
Билмаган нарсасин санамоқ осон.

Баҳс боғлар хаёлан Арасту билан,
Тушида гаплашар гоҳо у билан.

Ҳиндлар Берунийни “афсунгар” дөмиш⁸⁸,
Жинлар-ла мулоқот – зўр ҳунар, демиш.

Замин қай тариқа бўлмишдир пайдо?
Тоғларнинг тошлари недандир бино?

Фалақда сайёра қандоқ айланар?
Не учун денгизлар Ойга бойланар?

Юлдузлар фойдаси неларда аён?
Биз қайдан келдигу кетурмиз қаён?

У учун саволнинг адоғи йўқдир,
Фақат ғофилларнинг суроғи йўқдир.

«Билингиз – зоҳирдир занжир ҳалқаси,
Занжирни топгани шоҳлар алқасин!

Нединки, подшоҳга огоҳлик жоиз,
Огоҳ бўлгандан кейин шоҳлик жоиз.

Шу боис одил шоҳ муҳтож олимга,
Илм бир чақадир, билинг, золимга.

Ким олимдан қочар – золимдир аниқ,
Ким золимдан қочар – олимдир аниқ.

Аллоҳнинг олдида бир хас эурсан,
Қанча баланд бўлма, сен паст эурсан.

Кўз кўрмас қуртлардан наҳанггача то,
Анинг ижодидур – У қилган бино.

Гарчи такаббурсан – ўзингга қара,
Жиллақурса ўзинг қурбақа ярат?!

Аллоҳнинг борлиги ҳикматдир азал,
Фақат Аллоҳ эрур абад мукаммал!

Ҳақиқат эгилар – синмагай аммо,
Булардан бошқаси эрур тамошо.

Шоҳ билан баробар келса гар олим,
Не кечар эрдик унда бу ҳолим?!"

15

Хоразмда узоқ давом этган урушлар туфайли Муҳаммад Хоразмий уз Ватани Хоразмдан бош олиб кетишга мажбур бўлди. Бағдод ўша даврда ҳар томонлама тараққий этган марказ шаҳарлардан эди. Айниқ-

са, IX аср бошларида Маъмун ҳукмронлик қилган даврда Бағдод йирик илмий ва маданий марказга айланган. Бағдодда жуда кўп олимлар етишиб чиқди, китоблар, илмий асарлар кўпайди, ҳатто бошқа тилда ёзилган китоблар араб тилига таржима қилинди. Натижада ҳинд, юнон тилларидаги илмий асарлар ҳам араб тилида пайдо бўлди.

Бағдод халифалари Хорун ар-Рашид (786- 809 йиллар) ва унинг ўғли Маъмун (813-833 йиллар) ва унинг укаси Муътасим (833- 842 йиллар) ларнинг халифалик қилган даврлари бошқаларига нисбатан алоҳида урин эгаллайди. Чунки, Маъмун маърифатпарвар киши бўлиб, Бағдодда “Байт-аль ҳикма” (Донишмандлар уйи) (Ҳ.Сиддиқов изоҳи бўйича), бошқа олимлар изоҳи бўйича “Байт ул-ҳикма”, “Байтул ҳикмат” номли ўз даврининг академиясини ташкил қилиб, унинг атрофида форс, юнон, сурёний тилларидан хабардор бўлган йирик олимларни йиғди. “Донишмандлар уйи” кутубхонасини қимматбаҳо китоблар билан тўлдириш мақсадида ўз вакилларини турли мамлакатларга юборади. Бу фаолияти асосида Маъмун маърифатпарвар киши эканлиги тасдиқланиб, у тарихда мавжуд бўлган Афина академияси ишларидан хабардор бўлган бўлса керак, деган мулоҳаза келиб чиқади.

Мадрим Жуманиёзов.
 (“Маъмун академияси” китобидан)⁸⁰

Мусо Хоразмийдан⁹⁰ энди очай суз -
 Барча юлдузлардан улканроқ юлдуз.

“Байт-ул ҳикма”га у бўлиб бош раҳбар⁹¹,
 Дунёни ҳайратга кўмган муқаррар.

Кутубхонага жо тўрт юз минг китоб,
 Кўп нодир асарлар йиғилмиш шу тоб.

Хорун ар-Рашиднинг ўғлидир Маъмун⁹²,
Жаъмики олимлар ҳукмидан мамнун.

Маъмун дегани бу – хосиятли ном,
Оламни ўрганмоқ – улар учун ком.

Бу Маъмун доврўғи дунёни тутди,
Кўкка ошно бўлди, ўзни унутди.

Кўп эди подшоҳнинг жавоҳирлари,
Лекин қизиқтирди осмон сирлари.

Осмон ва заминнинг харитасини,
Чиздирди қолдирмай ҳеч биттасини.

“Мажмуи ал-Маъмун” демишлар отин⁹³,
Олимлар бағишлаб унга ҳаётин.

Расадхона ишлар тинмай эрта-кеч,
Коинот сирига етиб булмас ҳеч.

Бу ерда ўчмайди тун чоғи шамлар,
Унга қараб йулин топар одамлар.

Подшоҳ ғурурланар: “Не бупти юнон,
Менинг олимларим ишларми ёмон?!”

Мени унутмаслар минг йиллаб ҳатто,
Менинг исмим ёзиб толгувси ҳаттот!

Курраи заминда абад қолурман,
Олимлар қалбига меҳр солурман.

Аммо, зангламаган менинг қиличим,
Кимки қарши турса – шу билан ишим!

Олиму шоирлар ҳимоямда бот,
Само илми ила қизикдир ҳаёт.”

Бағдод халифаси ўйлар шу тахлит,
Хорун ар-Рашидга қиларкан тақлид.

Унинг шижоати кўпларга ўрнак,
Беруний шулардан ўрганган,демак!

Илова:

Тўққизинчи аср. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-ғабра асосларининг мустақил математик фан сифатида шаклланишини ниҳоясига етказди ва бу билан Европада ўнлик позицион ҳисоблаш системасининг кенг тарқалишига йўл очиб беради. Худди шу йиллари фарғоналик Аҳмад ибн Муҳаммад Фарғоний қадимги юнонларнинг астрономия ҳамда географияга доир илмий меросини стабиллаштирди. Ал-Фарғонийнинг илмий асарлари XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилиниб, бутун Европага тарқалган ва машҳур итальян шоири Дантега яхши маълум бўлган. Фарғоний топган планеталар орасидаги масофалар миқдори эса Коперник давригача етиб келган. Марвлик Ҳабаш ал-Ҳосиб ўзининг тангенс ҳамда котангенс тушунчаларини тригонометрия фанига шу даврда киритган.

П. Г. Булгаков.

(«Абу Райхон Беруний» китобидан)⁹⁴

16

Маҳмуд Фазнавидан келди кўп чопар,
Чопарлар изидан пайдодир хатар.

Дерларки: Худодан қурқмагандан қурқ,
Макру ҳийлаларга ҳеч бир чора йўқ.

Тулкидек айёр у, йулбарсдек йиртқич,
Ҳатто шайтонга ҳам бермагай тутқич!

Сингилларидан ҳам ясагай тузоқ,
Тарих бунақасин кўрмаган бироқ...

Заррача шафқат йўқ қаро юракда,
Қилган ишлари ҳам турмас куракда.

Олимларни талаб қилмиш у жоҳил,
Бунда саросима бошланди охир!

Ибн Сино бош олиб узоққа кетди,
Ҳамроҳи Масиҳий оламдан ўтди.

Шу йўсин Урганжда қўпти ғалаён,
Лашкар пароканда – бўлмиш қўзғолон.

Уққа нишон бўлди Маъмун подишоҳ,
Шундай буюк инсон кўзин юмди, оҳ!⁹⁵

Олиму шоирлар қочди ҳар тараф,
Тупроққа қорилди биллурий садаф!

Урганжда аза-ю Фазнада байрам –
Шамолдек тез елди қайин оға ҳам!

Қўзғолон унинг-чун айни муддао,
“Қўллагин!” дейди шоҳ – “Эй қодир Худо!”

Урганж ариқлари қон бўлиб оқди,
Маҳмуд халқни қирди; шаҳарни ёқди.

Олов урлар эди кўкка тобора,
Минорлар урнида қолди хароба...

17

...Маҳмуд Абу Райҳонни устози Ибн Ироқ ва саройдаги бир неча олимлар билан бирга Фазнага олиб кетган. Абу Райҳон умрининг охиригача Фазнада яшаган, у ерда расадхона очиб, дарс берган, шогирдлар тайёрлаган, ижод қилган, айна вақтда давлат ишларига ҳам аралашган. Лекин, Султон Маҳмуд Фазнавий унинг олдига шундай талаб кўяди: “Агар менинг замонимда тинч ва роҳатда яшай десанг, ўз илмингни қўй, менинг хоҳишимга қараб иш қил ва мен хоҳлаганни айт!”

Беруний бу талабни бажармаса, улимга ҳукм қилиниши мумкин эди. Аммо, бу қийинчиликлар, мусофирлик, илм-фанга кучли эътиқод Берунийнинг муқаддас мақсад йўлига тўсиқ бўла олмади.

*Мадрим Жуманиёзов.
("Маъмур академияси" китобидан)⁸⁶*

Беруний кирганда қирқ тўрт ёшига,
Яна мусибатлар тушмиш бошига.

Фариблик азоби ёмондан-ёмон,
Жоҳиллар юртида юрак-бағри қон.

Қалбаки олимлар қилар киноя,
Зулм ва зуғумлар билмас ниҳоя.

Подшоҳ-чун Беруний ожиз бир одам,
Қатлга буюрар хоҳлагани дам.

Зиндонга ташлатмоқ бир одатий ҳол,
Баъзида маҳзундир, баъзида хушҳол.

Зулмат қаърида ҳам нур бор бир ҳовуч,
Ўзига тортарди ажабтовур куч –

Хатлибегимнинг ҳам сирли нигоҳи,
Ёқимли туюлар эди-да гоҳи.

У бир эрка сингил жоҳил Маҳмудга,
Маккора учкунлар подшоҳдан ўтган...

Буни билади ҳам; бироқ шу пари,
Ақлини ўғирлар шайтон сингари!

Баъзида Маҳмуд ҳам негадир юмшаб,
Бўлиб қолар бирдан жуда нозиктаъб!

Еру осмон ҳақда қурганда суҳбат,
Олимга курсатар шоҳона ҳурмат.

Тилидан тушмайди Ибн Сино ҳеч,
Худди васвос янглиғ сўзлаб эрта-кеч.

Эмишки ажалга қарши дору бор,
Сино шу дору-ла топган эътибор.

Рост гапга ишонмас, баъзида аммо,
Чўпчаклар у учун чин сўздан аъло.

Синглисин суяди поқдомоним, деб,
Қайсарлик бобида кўп ёмоним, деб.

Баъзилар демишлар бу одамови,
Синглисин қулида унинг жилови.

Ҳазил-ҳузулларни ёқтирар баъзан,
Касалманд азалдан – у қотма бадан.

Бироқ, қирғинлари эмасдир ҳазил,
Дерларки: ҳазилнинг тагидадир “зил”.

Илова:

Беруний тусатдан тошқиндай тошиб келган ғалаённи босиш умидида шоша-пиша қулини чиний кузага чўзди. Бир зум унинг куз олдига қимматбаҳо шерозий гиламлар тўшалган ипак саропарда келди. Саропарданинг тўрида, қат-қат шойи тўшакда бетоқат тўлғаниб ётган ярим-ланғоч санам нигоҳи олдига намоён бўлди, унинг иссиқ бусалари, бетоқат ҳаракатлари эсига тушиб, ҳорғин танасидан ўт чиқиб кетди. Ўша маҳалларда сарой аҳли орасида бу тантиқ ва шаддод беканинг номи ибрат маъносида тилга олинар, гўё у эркак юзини кўрмасликка қасам ичиб, гўшанишинликни ихтиёр этган, деган гаплар юрарди. Бу гаплар ростми, ёлғонми – буни ёлғиз Аллоҳ билади ва лекин бу ўқтам, эркатой бека ўшанда, кўл соҳилидаги кўкаламзор қирларга тикилган қоронғи саропарда ичида унга – ёш тилмоч Абу Райҳон Берунийга унутилмас бир оқшом инъом этган эди!..

Одил Ёқубов.

(“Кўхна дунё” романидан) ⁸⁷

18

“Мен сенга Маҳмуд Фазнавий қирғинлари тўғрисида гапирган эдим. Бироқ, мен Маҳмуд даврининг бошқа бир буюк вакили тўғрисида ҳали гапирмадим. Бу – ал-Берунийдир. Чексиз қирғинбарот ва шафқатсизликлар даврида у ҳаётга чуқур разм солиб, ҳақиқатнинг тагига етишга интилган улўф олим сифатида ажралиб туради...”

Жавоҳарлал Неру⁸⁸

Беруний кўзачадаги шарбатдан яна бир қултум ичди-да, кўзини юмди. Назарида, мияси чуғдек қизиб, хаёли чувалашиб кетаётгандек эди, лекин шундай бўлса ҳам, кўнглининг бир четида енгиб бўлмас бир истак – қалбининг энг тупкарисида ётган дардларини айтмоқ истаги тобора авж олиб борарди. Ким билсин, бу телба шоҳнинг телба машваратидан соғ-саломат қайтадимми, йўқми? Васвас дардига йулиққан ҳокимдан ҳар нарсани кутмоқ мумкин!

– Болам, Сабҳу, – деди Беруний, бошини ёстиқдан кутариб. – Камина эртанги машварат нө мақсадда чақирилган – буни айтолмаймен. Шу сабабдан бир нарсани сenga изҳор этмоқни лозим курамен... Ёдингда бўлсин! Фақир бу китобни... сен мөҳр билан оққа кучирган бу асаримни ёзишдан муродим – сенинг юртинг... Ҳиндистон олдидаги гуноҳларимни ювмоқ эди!..

Сабҳу бутун вужуди билан олдинга талпиниб:

– Сиз? Гуноҳкор? – деб сўради. – Сўзингизни англамадим. Ҳиндистонни топтаган сиз эмас, устод, сиз эмас!

– Ҳа, камина ҳеч бир кимсанинг бурнини қонатганим йўқ! – деди Беруний. Унинг иситмадан бўғилган овози тўсатдан аллақандай очилиб, торгина чор бурчак ҳужрани янградиб юборди. – Қон тўкса... амирал мўъминин аталмиш султон Ғазнавий тўкди, унинг лашкарлари тўкди! Шаҳарларни талаб, ибодатхоналарга ут қўйди! Ҳаммаси тўғри! Ва лекин... бари бир, сенинг юртингда менинг элим тўғрисида ёмон таассурот қолди, болам. Йўқ, ул қатлу қирғинлар учун менинг элим гуноҳкор эмас! Асло! Аммо, султон Маҳмуд янглиғ жаҳонгирлар, лашкарбошилар, мустабид шоҳларнинг разолати ҳам шундадурки, улар фақат ўз номлари эмас, балки ўз эли номига ҳам доғ туширишга қодирдурлар! Биз каби маърифатли зотлар эса лoақал эзгу ният ва яхши хизматларимиз билан бўлса ҳам, мазлум эллар юрагидаги бу ёмон асоратни йўқотмоғимиз даркор. Фақат сенинг юртинг ҳақида, Ҳиндистон ҳақидаги китобимни шу ниятда ёзганмен! Билиб қўй, болам!

Одил Ёқубов.
("Кухна дунё" романидан) ⁹⁹

Турфа телбаларни кўрди бу дунё,
Баъзиси дедики: мен ўзим Худо!

Баъзиси кўз боғлаб мисли афсунгар,
Дедики: билингиз менман пайғамбар!

Қанчасини тутиб утга ёқдилар,
Бошларини узиб, шохга тақдилар.

Танини қилишди нимта ва нимта,
Аммо, қичқирарди гавда – яримта!

Лекин тугамади шундай васвослик,
Лекин тугамади жиннига хослик.

Демакки, самодан бу қаро жунун –
Синов соатидир одамзот учун.

Телба бандаларинг кечир, Худоё,
Дузах азобини учир, Худоё!

Булар ўт эса-ю сувларинг бордур,
Тўнғизга қарши охуларинг бордур.

Маҳмуд “Хоразмшоҳ” деди ўзини,
Ҳинд сори тикаркан кейин кўзини.

Вужуди гоҳида жонсирар эди,
Лашкари бетоқат қонсирар эди.

“Ислом учун жангга шай бўлинг!” деди,
“Қадахда чайқалган май бўлинг!” деди.

“Аллоҳ бир ва бирдур яна пайғамбар,
Маъбудлар Исломга келтурур зарар.

Санамлар бошини қилич-ла кесинг,
Файри динларнинг ҳам қонини ичинг!

Ерини таланглар – қолмас армонлар,
Оёқни ўпсинлар қизу жувонлар!

Сизларга зафарлар ҳам насиб бўлғой!
Қани лашкарларим! Ҳинд сори олға!”

Бир енгил кўзғалди самовий отлар,
Васвосга боғлиқдир ҳаёт –мамотлар!

Беруний бош чайқаб таассуф ила,
Қудратли қўшинга ҳамроҳлик қилар.

Подшоҳ мубошири эди у гарчанд,
Аммо, подшоҳ берур доим унга панд.

Хатлибегим қилар доим тавалло,
Олимга рубару қилмишдур Аллоҳ.

Алломани суяр шу совуқ ҳайкал,
Гарчи маликадур – амрига маҳтал.

Рашкнинг оловида ёнар гоҳи у,
Изидан югурар мисоли оҳу.

Бу ҳолдан Беруний буларкан ҳайрон,
Саволига жавоб тополмас ҳамон:

“Вожаб! Бир ёқда саркарда, шоҳлар,
Маликани суйиб, кўрмоқни хоҳлар.

Девга қилич сөрмаб йиққан баҳодир,
Маликани бахтли қилмоққа қодир.

Мен ҳасса таяниб юрарман зўрға,
Булбул тушган каби гўеки тўрға.

Ўзим биламанки, қуруқ савлатман,
Ҳушим ўзимдамас, гоҳи ғалатман.

Эрта қариганим этмасман инкор,
Гўрға тикмоқ истар подшоҳ нобакор.

Ёнимда эрурки доим кафаним,
Ўлуқлар еридур маним масканим.

Шу алпозда нечун ишқнинг уйини...”
Ҳамиша тарк этмас оғир уй уни.

Хатлибегим эса парвойи палак,
Аллома ишқида жони ҳам ҳалак.

Қушинга илашиб кетмоқда у ҳам,
Ўлимга тик боқар! Нияти мубҳам...

Аллома йуриғи бошқадир лекин,
Режалар туғилар кунгилда секин.

Бир китоб ёзмоқчи ҳинд мулки ҳақда,
Курган-кечирганин ёдида сақлаб.

Гарчи ҳайратбахшдир қадимий Юнон,
Ундан ҳам қадимий аммо Ҳиндистон.

Юнон ҳам қадимда эди бутпараст,
Буларда зоҳирдир баланд ҳамда паст –

Яъни, хосга қарши тургандир авом,
Ақл кушандаси бўлиб бардавом.

Сукрот юлдузларни демади Худо¹⁰⁰,
Шу боис ҳақимга берилур жазо.

Сузидан қайтмади ҳатто қийноқда,
Жонини уйламай қуйди тузоқда.

Ҳукми чиқармиш ун битта қози,
Ун иккинчи эса бўлди норози¹⁰¹.

Сукрот ҳақимни заҳар ила қийнаб
Буюк фарзандини кумди Афина.

Булардан қолишмас ҳинд жоҳиллари,
Гарчи узга эрур халқнинг тиллари.

Бир ёнда оқиллик, нодонлик бир ёқ,
Олимнинг бошига гоҳ тегар таёқ.

Ҳиндистон элида пинҳондир тилсим,
Бунинг моҳиятин оча билар ким?!

“Рамаёна” қиссаси ажабтовур,
Само ва Ер аро жилваланган нур.

Санскрит тилини ўрганса тугал¹⁰²,
Сеҳр-жоду сирини билса мукаммал.

Тиб илми бу элда бир оҳанрабо –
Минг битта дардга ҳам топмишлар даво.

Дарё ва тоғларнинг тархи бир булак,
Бунда қиш булмас ҳеч, ёз эса ҳалак.

Таоми ўзгача – мурчга талаб кўп,
Жасадни ёқарлар ўтин қалаб кўп.

Меҳри мул булади қизу жувонни,
Карашма ўтида қийнайди жонни.

Урмонларда ғуж-ғуж турфа маймунлар,
Нелардир қичқириб чиқади тунлар.

Бу элнинг тили кўп, динлари ҳам кўп,
Ўргансанг арзийди табиатин хўб.

Кашф этишга арзир гиёҳлари ҳам,
Кетгиси келмайди бир келган одам.

Яъни, олимларга берар мул озиқ,
Китоблар ёзсанг бир хуморни ёзиб!

Аллома урушга келмаган гўё,
Йироққа чекинар у билган рўё.

Дейдилар: эчкига жон эрур қайғу...
Аллома ўйида мавжланар мавзу.

– Офтоби олам! Қалъа аҳлининг аксари ожизлар эмиш, беғуноҳ норасидалар эмиш, чоллар эмиш, давлатпаноҳ!

Беруний сўзини тугатмаган ҳам эдики, бояғи нуруний чол юзтубан йиқилиб, қўллари билан ер тирнашга киришди. Беруний “ялт” этиб юқориға, фил елкасида оёқ кериб турган султонға қаради, беихтиёр олдинға талпиниб:

– Олампаноҳ! – деб хитоб қилди. – Шафқат қилинғ, олампаноҳ!

Унинг сўзларини амирал мўъминнинг:

– Амир Нуштегин! – деган бетоқат ҳайқириғи босиб кетди. – Таслимдан бош тортган қасрга ўт қўйғил, ўт!

Чакалакзорда бир-бириға суяниб, ғуж бўлиб ётган ҳинд маҳбуслари қорамтир қўлларини кўкка чўзиб, уввос тортиб йиғлашди, лекин пастға қараб от сурган Нуштегин навкарларининг ғолибона қийқириғи маҳбуслар ноласини кўмиб юборди. Зум ўтмай, тўрт томондан кутарилган аланганинғ қизғиш тиллари муаззам ибодатхонани аждаҳо янглиғ ялаб, офтобдай чарақлаган олтин қуббаларини ямлаб ютди...

Одил Ёқубов.

(“Кўҳна дунё” романидан) ¹⁰³

Беруний тарихни битди шу тахлит,
“Ҳар нарсанинғ асл сабаби мавжуд.

Насриддиндан мерос уғлиға ғазот,
Бутпарастға ҳукм эрурдир мамот.

Ота буни обдон ўйлади лекин,
Унға лақаб беришди: Сабуктакин¹⁰⁴.

Демакки, бу жанглар тарих хатоси,
Ўвузлик хаёлин солмиш атоси.

Кўчкига боисдур бир енгил нафас,
Тоғлардан бу тошлар бесабаб кўчмас.

Мусулмон халқидан нафратланар ҳинд,
Уларнинг наздида муслимлар бир ит.

Вовуллаб қопади тегмасанг ҳам у,
Буларнинг амали шу эрур мангу.

Ўвузлик шунчаки бўлмас намоён,
Ниқобга эҳтиёж бордир ҳар қачон.

Топмасанг агарда бирор баҳона,
Мақсадинг яшириб қуйиб пинҳона –

Куч томиб турмаса агар сузингдан,
Билгин – эргашмайди ҳеч ким изингдан.

Дунёнинг мазмуни – асли алдамоқ,
Осонмас ҳаммани алдаб яшамоқ!

Шундай алдагинки – ўзинг ҳам ишон,
Хаёлинг бўлмасин асли паришон.

Обдон уйлаб кўргин – нима эрур дин,
Нима пайдо бўлган барчадан олдин?

Бунинг асрорига етмагай ақл,
Демакки, гапингни мудом қисқа қил.

Динлару мазҳаблар экан беҳисоб,
Воқелик мазмуни – тайёр бир ниқоб.

Суннийлар қирса гар тинмай шиани,
Бунда мазҳаб аро адолат қани?!

Мусулмонга қарши бўлса насроний,
Туркка тик қараса агар эроний –

Бутпараст, мусулмон бўлса доим ёв,
Бунинг ҳақиқатин англаб ет дарров.

Демакки ниқобга эҳтиёж катта,
Ниятни яширмақ жоиз албатта!

Буларнинг барчаси осийликка хос,
Буни инкор этган Ғазнавий васвос.

Юрагини тукиб булуркан адо,
Манфур шу Маҳмуддан Хатлидир авло!”

Аллома уй сураш юрак-бағри қон,
Қулоқни тешгудек нола ва фиғон.

Фойда бераолмас қарғиш, дуолар,
Уларни асролмас шунча Худолар!¹⁰⁸

“Ақлинг синоатга етмас – иқрор бўл,
Асрорлар ичида сен ҳам асрор бўл.

Олам эгасига қилма сен хитоб,
Яхшиси жимгина барпо эт китоб!”

Беруний Абу Алига ўз “Ҳиндистон”нинг Сабху кучирган энг тиниқ нусхасини инъом этди, Ибн Сино эса, “Ал- Қонун”нинг энг нодир қўлёзмасини меҳр ва ихлос билан тутди.

Имом Исмоил сарбозлари, Беруний айтгандай, лаҳимдан чиққан жойдаги қалин арчазор орасида отларни шай қилиб туришарди.

Икки дўст, икки аллома бу онларнинг қайтиб келмаслигини, эндиликда дийдор кўришиш насиб этмаслигини бутун вужудлари билан ҳис этишар, шу боисдан ҳам, ўзларини қанчалик вазмин тутмасин, жудолик туйғулари оғушидан қутулолмас эдилар.

Беруний биринчи бўлиб Абу Алини кучиб бағрига босди.

– Алвидо, азизим. Дийдор кўришмоқ насиб этмаса рози бўл, жигарим! Кимки сени хор қилган бўлса, ўзи хор бўлсин! Сени имом Исмоилга, имомни Аллоҳга топширдим, Абу Али!

Ибн Сино устозини кучиб, беихтиёр кузига ёш олди.

– Каминадан ғам еманг, устод! Сўзимга ишонинг: фақир, куп жафоларни кура бериб қуса бўлганмен, мен букун ўз тақдирим эмас, сизни уйлаб кўрқамен! Сиз каминани бу пинҳоний лаҳимдан қочириб, ўз бошингиз балога қолмаса деб кўрқамен, устод!

Одил Ёқубов.
 (“Кўхна дунё” романидан) ¹⁰⁷

Уч кам олтмиш ёшда эди аллома,
 Фалак буржларидан етмишдур нома –

“Ҳиндистон” шу йили топганди якун,
 Нодир бир китобни кўрди-ку очун¹⁰⁷.

Маҳмуд Фазнавийга кўрсатмади лек,
Чунки, руҳиятда бор эди ҳадик.

Фазнавий юзлари бўлиб заъфарон,
Қуриб борар эди дарахтсимон.

Синодан булмади аммо ҳеч дарак,
Аллоҳнинг жазоси шу булса керак –

Соядан қочгандек гўёки пок нур,
Сино тутқич бермай подшоҳдан қочур.

Уни тутолмади айғоқчилар ҳам,
Турли қалъаларда зўр соқчилар ҳам.

Подшоҳлар, жаллодлар тутолмадилар,
Синонинг изидан етолмадилар.

Оққа кучирилиб битди "Ҳиндистон",
Маҳмуд шу санада таслим этди жон¹⁰⁸.

Фавғоли бу дунё тинчиди, қолди,
Дўзах маконига подшоҳ йўл олди.

Хатлибегим куни не кечар энди,
Афтода алпозда май ичар энди.

Бир майки, заҳару заққумдан аччиқ,
Ҳеч ким кетаолмас тақдирдан қочиб...

Беруний қаламин йўнганича шод,
Яна кучга тулиб айлайди ижод.

Дуо айлар экан Ибн Синони,
Кашф эта бошлар у узга дунёни!

21

У (Масъуд) умримнинг қолган қисмида илмга хизмат қилишим учун очиқ юз билан имконият берди, чунки, у менга зийнат либосини кийгизиб иноят кўрсатди. Абадий соясида осойишталик ёпқичини устимга солди ва инъом булутларини ёғдирди. Шулар билан бирга мени узига яқин тутди, кетма-кет суҳбатига чақириб, яхши қабул этди.

Абу Райхон Беруний¹⁰⁹

Соч-соқол оқаргач – тиззадан мадор,
Ва кўздан шуъланинг қочмоқлиги бор.

Аммо, уз умридан аллома шодон,
Эътиқод йўлида собитдир ҳамон.

“Гарчи рафиқам йўқ, йўқ бола-чақа,
Фалак ройишидан булмагум хафа.

Менинг болаларим китоблар азал,
Юрак қони ила айладим сайқал.

Эй қадим Хоразм мендан рози бўл!
Шикаста дилимнинг бир ҳамрози бўл!

Мусофир алпозда топширурман жон,
Бироқ, сенинг ила бирман ҳар қачон.

Қайдасен Райҳоним – излаб борурман,
Ишқ ила жисмимни қайта қорурман.

Келажак авлодим сенга хитобим,
Ўқиб юр ҳамиша ёзган китобим.

Китобда овунч бор, бордур тасалли,
Олтин асрнинг ҳам келгув-си гали.

Шунда билажаклар недур жавоҳир,
Рухнинг озуқиға талаб кўп ахир!

Бу ожиз бобонгни эсла ва ёд эт,
Дарбадар руҳимни ҳамиша шод эт!"

ХОТИМА

Эй, азиз ўқувчим! Бўлғай бахайр,
Мен сен билан қилдим мозийга сайр.

Беруний сиймосин бизлар этдик ёд,
Уни унутмағай халқим умрбод.

Гарчи умр бўйи тўқди кўп кўз ёш,
Унга ошиқ бўлди фалақда қуёш.

Юлдузлар кўз қисар шодон ҳойнаҳой,
Рухини ҳамиша излаб юрар Ой.

Жаннат боғларини кезур бегумон,
Ёнида ҳамроҳдир дилбар қиз Райҳон.

Истиқлол кунларин сезиб юрар у,
Сөрқуёш ўлкани кезиб юрар у...

Ҳар даъфа метрога тушган талаба,
Қалбида зўр ҳавас қилгай тантана!

Эй азиз ўқувчим! Сен ҳам бул омон,
Энди якунига етмиш бу дoston.

Дostonни битирдим Наврўз маҳали,
Режалар бисёрдир кунгилда ҳали.

Китобдан манфаат, фойда керакмас,
Комил Хоразмийни дуо қилсанг бас!

ИЗОҲ ВА ШАРҲЛАР

1. Одил Ёқубов. "Кўхна дунё", Тошкент, 1986, 318-бет.

2. "Берунийнинг тулиқ исми шарифи – Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Берунийдир". Қаранг: П.Г. Булгаков. "Абу Райҳон Беруний", Тошкент, 1973. 7-бет.

3. "Ал-Ғазанфар ўз иловасида Берунийнинг туғилган вақтини аниқ кўрсатиб беради: ҳижрий 362 йил, 2-зулҳижжа, пайшанба. Янги ҳисобда бу 973 йилнинг 4 сентябрига туғри келади. Ал-Ғазанфар Берунийнинг туғилган вақтини ё олимнинг неча йил умр кўрганлиги ва қачон вафот этганлигига қараб ҳисоблаб чиққан, ёинки Беруний учун номаълум одам томонидан тузилган гороскопи (бола туғилиши биланоқ мунажжимлар тарафидан тузилган юлдузлар жадвали – Тарж.) дан олган булса керак. Бунга у келтирган Беруний туғилган вақт учун юлдузлар ҳолати ҳақидаги маълумотлар далил булади. Бинобарин, Берунийнинг шохидлик беришича, у 973 йилнинг сентябрида дунёга келган." (Ўша манба. 7-бет.)

4. Беруний "Амударёнинг шарқида, Кот (Кат) (Ҳозирги Беруний райони ўрнида) шаҳри яқинидаги қишлоқда туғилган". (Мадрим Жуманиёзов. "Маъмур академияси", Урганч, 1994. 19-бет.)

Шаҳардан ташқарида яшовчиларни "Берун" ёки "Беруний" деганлар. Бинобарин, "Беруний" атамасининг луғавий маъноси – "шаҳардан ташқарида яшайдиган киши". (Қаранг: Абу Райҳон Беруний. "Танланган асарлар". Тошкент, 1968. 5-6-бетлар.)

5. Кот – Хоразмнинг қадимги пойтахти. "Хоразмнинг қадимий пойтахти Кот Амударёнинг ун

соҳилида, ҳозирда район маркази булмиш Беруний шаҳри ўрнида булган. (Унинг аввалги номи – Шаббоз). Қадим замонларда шаҳарда пахсадан ўралган Фир номли баланд қалъа булган. Қалъанинг теварак-атрофи уч қават девор билан ўралган. Беруний даврига келиб қалъани шўх Амударё суви ювиб кетган. Х асрнинг охирларида шаҳар вайронага айланган қалъанинг шарқий томонида булган.

6. Бу даврда Кот ниҳоятда обод шаҳарга айланган. Араб географи ал- Муқаддасий бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: “Шаҳар ғоят даражада кўркам; унда фозил-у олимлар, нафис адабиётнинг кўпдан-кўп билимдонлари бор”. Араб олимнинг ушбу сатрлари Котда маданий ҳаёт юқори даражада булганлигидан, шаҳар ҳужалиги ва савдоси ривожланганлигидан далолат беради.

7. Ҳақиқатан ҳам Муқаддасий ва Истаҳрийнинг, шунингдек, “Худуд ал-олам” асари муаллифининг шоҳидлик беришича, шаҳарнинг оби ҳаёт билан тўла каналлари бўйларида катта-катта бозорлар, омборлар булган. Котнинг шимол томонга – булғорларга ва Шарқий Европанинг бошқа мамлакатларига, жануб томонга – Эрон ва Урта Осиёнинг Бухоро каби йирик шаҳарларига, Ҳиндистон, Хитой сингари мамлакатларга олиб борадиган савдо йўлларининг кесишган жойида ўрнашганлиги мазкур шаҳарнинг Урта Осиё ички ва ташқи савдосида катта роль уйнашига сабаб булган.” (П.Г.Булгаков. “Абу Райҳон Беруний”, Тошкент, 1973. 7-8-бетлар.)

Кот шаҳрида савдо карвонлари тўхтаб ўтган. “... Хоразм давлатининг энг гуллаб-яшнаган даври IX- XI асрларга тўғри келади, бу даврда у бой ва қудратли эди. Хоразм уша даврда бутун Ҳазор ҳақонлиги ерларида ўз таъсирини ўтказишга эришган эди. “ (Мадрим Жуманиёзов. “Маъмур академияси”, Урганч, 1994. 16-бет.)

8. Муҳаммад – Берунийнинг исми.

9. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ироқ - хоразмшох.”Берунийнинг болалик ва ўсмирлик йилларида Кот шаҳрида Ироқийлар сулоласининг сунгги вакили хоразмшох Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ироқ

хоким бўлган. Унинг амакиси Али Ибн Ироқнинг ўғли Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ Берунийнинг биринчи ва бош тарбиячиси ҳамда устози ҳисобланади.” (П.Г. Булгаков. “Абу Райҳон Беруний”, Тошкент, 1973. 8-бет.)

10. Мансур – Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқнинг туғилган йили маълум эмас. У ўзинчи асрнинг ўрталарида туғилган, деб тахмин қилинади. “... Беруний туғилган пайтда Ибн Ироқ 25 ёшда бўлган. Ибн Ироқ куч-қувватга тўлган, ижодий фаолияти равнақ топган бир пайтда, 35-40 ёшларида Берунийни ўз тарбиясига олади.” (Ўша манба, 8-бет.)

11. Ибн Ироқ ўз замонасининг машҳур олими ҳисобланган. У математика ва астрономияга доир кашфиётлари билан халқаро миқёсда ҳам танилган. “Шуни айтиш кифояки, фақат текис учбурчакларгагина эмас, балки шу билан бирга, сферик учбурчаклар учун ҳам синуслар теоремасининг дастлабки исботларидан бири шу олим қаламига мансубдир. Абу Насрнинг ушбу иши ўз вақтида Беруний ҳамда Насириддин ат-Тусийлар томонидан юксак баҳоланган эди. Ҳозирги фан тарихчилари эса олимнинг мазкур ишини математика фани тараққиётида буюк аҳамиятга молик иш деб баҳолашмоқда.

Абу Наср кўпгина илмий асарлар ёзиб қолдирган, жумладан, Менелойнинг “Сферика”сига ёзган шарҳи, хоразмшоҳ Али ибн Маъмунга бағишланган “Алмажисти Шоҳий”си, Абу Жаъфар ал-Хозиннинг зижига ёзган “Тузатишлар”и ва “Астурлоб яшаш санъати ҳақида”, “(Евклид) “Негизлар”ининг XIII мақоласидан шак-шубҳаларни ҳал қилиш”, “Вақтнинг нотекис соатларини аниқловчи (ёритгич) параллеллари ҳақида” каби рисоалари ва ҳоказолар бунга мисол бўлади. Эслатилган асарлари номларининг ўзиёқ олимнинг кўпроқ сферик астрономия ҳамда сфералар геометриясига қизиққанлигини кўрсатади. Абу Насрнинг Берунийни математика ва астрономия фанларини ҳар томонлама чуқур ўрганишга даъват этганлигининг боиси ҳам шу.” (Ўша манба. 8-9 бетлар.)

12. Бу Абу Райҳон Берунийнинг шеъри. (Қаранг: ўша манба, 8-бет.)

13. "Худ" – "Худди" маъносида.

14. Беруний ўн олти ёшидаёқ астрономик кузатишлар олиб борган. "Олим ушбу кузатишларида Кот шаҳрининг географик кенглигини ҳамда эклиптиканинг экваторга оғиш бурчагининг катталигини аниқлаш мақсадида Куёшнинг кеча-кундуз баравар бўлган пайтдаги баландлигини аниқлаган эди.

15. Шуни ҳам айтиш керакки, Беруний бу тадқиқот ишларини амалга оширишда араб тилидаги махсус астрономик адабиётлардан мустақил фойдаланган." (Ўша манба, 9-бет.)

16. Ер шарининг глобуси фан оламидаги беқиёс ихтиролардан бири ҳисобланади. "Ушбу ғоя тарихи узоқ замонларга бориб тақалади: эрамининг II асрида яшган Клавдий Птолемей Ер шари глобусини яшаш йўллари кўрсатиб берган эди. Аммо, Птолемей кўрсатмаси биров томонидан амалга оширилганми, йўқми бизга маълум эмас. Сўнги йилларга қадар Ер шарининг географик глобуси биринчи марта 1492 йили Мартин Беҳайм деган олим томонидан ихтиро қилинган, деб юритилган. Берунийнинг "Геодезия"сидан географик глобус Беруний томонидан ясалгани маълум бўлди." (Ўша манба, 10-бет.)

17. Беруний ёшлик чоғларида ботаника фанига қизиқади. Юнонлик (Грециялик) ботаник олим унга сабоқ беради. "Берунийнинг ўзи "Сайдана" асарида бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: "Менда ёшлик чоғларимданоқ табиатимда ўз ёшим ва яшаш шароитларим йўл қўйган даражада билимга бўлган иштиёқ кучли эди. Буни тасдиқлаш учун шуни айтаман: ўша вақтларда биз томонларда бир юнон яшар эди; мен доим унга хилма-хил уруғлар, ўсимликлар, мевалар ва турли бошқа нарсаларни келтирар, кейин номларини ёзиб олиш мақсадида, бу нарса уларнинг тилида қандай аталишини сўрар эдим" (Ўша манба. 10-бет.)

18. Европа мамлакатларида Берунийга "Ал Барон" деганлар. (Қаранг: Тошпулат Усмонов. "Абу Райҳон Беруний ва Маъмун академияси". Тошкент, 2001.3-бет.)

19. Боғ Эрам – Боғи Эрам маъносида. Афсонавий боғ.

20. Абу Райҳон Берунийнинг шеъри. (Қаранг: Абу Райҳон Беруний. “Ҳикматлар”, араб тилидан А.Ирисов таржимаси, Тошкент, 1973. 99-бет.)

21. Палахман (палахмон) – тош отиш учун ишлатиладиган қурол (Қаранг: “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, Москва, 1981. 569-бет.)

22. Маърифатпарвар подшоҳ, Беруний устозининг қариндоши Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ироқ 995 йилда Урганч амири Маъмун ибн Муҳаммад тарафидан улдирилади. “... Урганч амири Маъмун ибн Муҳаммад кутилмаганда Котта ҳужум қилиб, уни босиб олади, котлик Хоразмшоҳни қатл эттириб, бутун Хоразмни уз ҳукми остига бирлаштиради.” (П. Г. Булгаков. “Абу Райҳон Беруний”, Тошкент, 1973. 11- бет.)

23. Одил Ёқубов, “Кухна дунё”, Тошкент, 1986, 109-бет.

24. П.Г. Булгаков. “Абу Райҳон Беруний”, Тошкент, 1973. 11- 12 – бетлар.

25. Рай – ҳозирги Техроннинг жанубида жойлашган қадимий шаҳар.

26. Абу Маҳмуд ал – Хўжандий – олим. Астрономик асбоб-ускуналар ихтирочиси сифатида довруқ қозонган. “Абу Маҳмуд Ҳамид ибн ал-Хидр ал-Хўжандий (1000 йилда вафот этган) ўзи мустақил равишда мутлақо янги астрономик асбоб – секстант ихтиро этган машҳур олимдир. Ер остига ўрнатиладиган ушбу секстант “Фахрий секстанти” деб аталади. У Рай ҳукмдори Фахр ад-Давла амри билан ясалган бўлиб, астрономларнинг асосий қуроли саналган. Буюк ўзбек астрономи мирзо Улуғбек кейинчалик ана шу асбобни икки бараварга катталаштириб, ўзининг Афросиёбдаги расадхонасига ўрнатди. Мирзо Улуғбек Хўжандий ясаган секстант ҳақида шундай дейди: “Фахрий секстанти” ҳақида шуни айтиш керакки, у шу чоққача ва бундан кейин ясалган асбоблардан катталиқ ва аниқликда ўтиб кетди. Ахир Абу Маҳмуд астуллоб ва бошқа асбоблар тайёрлашда ўз даврининг фавқулодда кишисидир.

Абу Райҳон Беруний Хўжандий секстанти туғрисида махсус асар ёзди. Беруний мазкур асарида секстантнинг

тузилиши, катта-кичиклигини батафсил тасвирлаб беради. Биз учун энг муҳими Берунийнинг бу асбобни ясаш техникасини баён этишидир. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, Улугбекнинг бир типли секстантни қандай ясаганлигини ҳозирга қадар ҳеч ким аниқ билмас эди”. (П.Г.Булгаков. “Абу Райҳон Беруний”, Тошкент, 1973. 14-бет.)

Беруний йигирма икки яшарлигида Абу Маҳмуд Хўжандий билан мулоқотда бўлади. Бу ҳол эса Беруний илмий фаолиятига улкан таъсир ўтказди.

27. Берунийнинг Рай шаҳридаги ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги маълумотлар кам. “Фақат “Минерология” асарининг бир жойида исфаҳонлик бир савдогар ошнаси уйида бошпана топганлигини айтиб ўтади” (Ўша манба, 13-бет.)

28. Аллома ака-укалар – ал-Ҳасан ва ал-Ҳусан билан дўст тутинган. Улар савдогар-заргар бўлишган. (Қаранг: ўша манба, 13-бет.)

29. Подшоҳ ад- Давла – Рай ҳукмдори Фахр ад-Давла. Беруний Рай шаҳрида атиги икки йил истиқомат қилиб, илм билан шуғулланган.

30. Мазкур иқтибос П.Г.Булгаковнинг “Абу Райҳон Беруний” номли китобидан олинди. (П.Г. Булгаков. “Абу Райҳон Беруний”, Тошкент, 1973, 12-13-бетлар.)

31. Тужжорлар – тижоратчилар, савдогарлар.

32. Устурлоб – астрономияга дахлдор асбоб.

33. 997 йилда Маъмун ибн Муҳаммад Хоразмшоҳ вафот этади.

34. “997 йили Хоразм тахтига утирган янги шоҳ Али ибн Маъмун Берунийга ўз ватанига қайтишни таклиф этган, деб тахмин қилиш мумкин.” (Ўша манба. 14-бет.)

35. Бу Абу Райҳон Берунийнинг шеъри. (Қаранг: Абу Райҳон Беруний. “Ҳикматлар”, араб тилидан А.Ирисов таржимаси, 1973. 100-бет.)

36. Одил Ёкубов, “Кўҳна дунё”, Тошкент, 1986. 110-бет.

37. Ушбу иқтибос С.А.Каримов, А.Е. Шаламаевнинг “Абу Али ибн Сино” номли китобидан олинди. (С.А.Каримов, А.Е. Шаламаев. “Абу Али ибн Сино”. Тошкент, 1980, 4 –бет)

38. Ўша жойда.

39. Халқ орасида Беруний уммон ортида қитъа мавжудлигини башорат қилган, қабилдаги гаплар юради. Бу ҳақда атоқли шоир Абдулла Орипов шеър ҳам ёзган.

40. Абу Али ибн Сино – жаҳонга машхур табиб, файласуф олим, шоир. 980 йилда Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган. 1037 йилнинг 18 июнида Ҳамадонда вафот этади. Бизгача 300 га яқин асарлари етиб келган. Йирик асарлари: “Алқонун фит-тибб” (“Тибб қонунлари”), “Китоб-аш-шифо” (“Даволаш китоби”), “Донишнома” (“Илмлар китоби”), “Китоб ул Ножот” (“Ножот китоби”), “Китоб ул Ишорат ва-т Танбиҳат” (“Ишоралар ва насихатлар китоби”), “Китоб ал Инсоф” (“Адолат китоби”). Маҳмуд Ғазнавий Исфаҳонни босиб олаётган вақтида бу китоб йўқолган.

41. “Мансур ва Масиҳий” – Абу Мансур ибн Ироқ; Ал-Масиҳий – Берунийнинг устозлари. “Манбаларда кўрсатилишича, Абу Сахл Исо ибн Яҳё ал-Масиҳий ал-Журжоний Абу Райҳон Беруний ва ибн Синодан ёши анча катта бўлган. Шунинг учун ҳам у Абу Райҳон Берунийга, Ибн Синога устозлик қилган ҳамда академиянинг бошқа олимларига ижобий таъсир кўрсатган машхур олимлардан бири ҳисобланса керак.” (Мадрим Жуманиёзов. “Маъмур академияси”, Урганч, 1994. 37-бет.

Масиҳий Хоразм давлати қарамоғидаги Гурғон деган жойда таваллуд топган. Шу ерда бошланғич маълумот олади. Кейин Бағдодга, Хоразм пойтахти Урганжга бориб, малакасини оширади. Тиббиёт, мантиқ ва бошқа кўплаб фанларни ўрганади. “Ибн Абу ибн Усайба Масиҳийнинг тиббиётга доир асарлари ҳақида кўрсатиб, унинг бир қатор асарларини “Одамни яратишда Оллоҳ таоло доноликларининг сирини очиш”, “Тиббиётга доир юз масала”, “Умумий тиббиёт китоби”, “Чечак ҳақида мақола”, “Ўлат ҳақида китоб”, “Рух ҳақида китоб”, “Масиҳийнинг танланган асарлари”, “Тиббиёт билимлари ҳақида китоб” кабиларни санаб ўтади.” Ўша манба, 38-бет.)

“... Ота-онасидан жуда ёш етим қолган Беруний Абу Наср тарбиясида бўлади” (Ўша манба, 39-бет.) Беруний Масиҳий билан йигирма тўрт ёшида Гурғонда танишган;

бинобарин, Мансур ва Масиҳий Абу Райҳон Беруний ҳаётида катта таъсир кучига эга бўлишган.

42. Бўзжоний - буюк олим. 940 йилда туғилиб, 998 йилда вафот этади. “Хуросон ўлкасидан етишиб чиққан улуг математик Абул Вафо ал-Бўзжоний текис тригонометрия яратиш ишини ниҳоясига етказиб, сферик тригонометрия асосларини яратди. Бўзжоний қадимги математиклар ишлаб чиққан фан асосларини ижодий ривожлантирар экан, “Геометриянинг отаси” – Евклид ишларига алоҳида аҳамият берди.

43. Хужандлик Абу Маҳмуд Ҳамид ибн ал-Хидр ал-Хужандий Бўзжонийнинг замондоши бўлган. Математика ҳамда астрономия фанлари соҳасида катта шуҳрат қозонган ал-Хужандий дунёда биринчилардан бўлиб Қуёш апогейи узунлигининг ўзгарувчанлигини тегишли далиллар билан асослаб берди, сферик учбурчаклар учун синуслар теоремасининг оригинал исботини топди.” (П.Г. Булгаков. “Абу Райҳон Беруний”, Тошкент, 1973. 5-бет.)

Манбалардан аён буладики, Абу Мансур ибн Ироқ, ал-Масиҳий, Бўзжоний, ал-Хўжандий каби олимлар Беруний деган беқиёс зотнинг жаҳон миқёсида танилишига сабабчидирлар. Уларнинг ҳар бир иши мўъжизавордир. Дейлик, Ибн Ироқ Менелайнинг грек тилидаги “Сферика” китобини араб тилига таржима қилган – бу эса ҳазилакам амал эмас. Шу улуғларнинг шогирдлари сифатида Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино дунё илм-фани тарихида бетакрор из қолдиришган.

44. Алломанинг отаси Абдулло ибн Сино Ромитон қишлоғининг оқсоқоли бўлган.

45. Ситорабону – Абу Али ибн Синонинг онаси.

Ибн Синонинг асл исми Ҳусайндир.

Абдулло ибн Сино оиласи билан Бухорога кучиб келганидан сунг амир саройига закотчи вазифасига ишга киради.

46. Ҳусайн болалигиданоқ ақл-заковати ила муаллимларни ҳайратга солган. “Улар Бухорога кучиб келишлари биланоқ Ҳусайнни мактабга берадилар. Мактабда 15 шогирднинг энг кичиги Ҳусайн эди. Ҳусайн мактабда Хотиб Убайд

қулида таҳсил ола бошлади. Купгина болалар арабчага тушунишмасди. Аммо, Хусайн тез орада қуръонни бошдан-оёқ ёд олади. Зийраклиги туфайли Хусайн Хотиб Убайдга кетма-кет саволлар берарди. Убайд гоҳи жавоб беролмай қоларди. Пировардида муаллим Хусайннинг мактабда ўқишини ортиқча билди. Шунда Хусайн энди ўн ёшда эди. Шундан кейин Хусайн мактабга бормади қўйди.” (С. А.Каримов, А.Е. Шаламаев. “Абу Али ибн Сино”, Тошкент, 1980, 15-бет.)

47. “...Хусайнни уйда ўқитадиган бўлишди. Абу Абдулло Нотили унга фалсафадан, баққол Маҳмуд Массох эса уни ҳинд ҳисоби, геометрия ва алгебрадан ўқитарди. Ибн Сино шу орада ўзининг қизиқиши туфайли фалсафа ва тиббиётдан кўп нарсани ўрганди. У устози Нотилидан Сократ (Сукрот), Платон (Афлотун) ва Аристотель (Арасту)нинг ҳаётини жуда яхши ўрганиб олди. Нотилидан Хусайн Аристотель ҳақида кўп нарсани эшитгиси келарди ва Нотили ҳам Хусайннинг қизиқувчанлигидан баҳра олиб, вақтини аямай, гоҳида ярим кечагача у билан мулоқотлар ўтказарди”. (С.А. Каримов, А.Е. Шаламаев. “Абу Али ибн Сино”, Тошкент, 1980. 15-бет.)

48. Мадрим Жуманиёзов “Маъмун академияси” номли китобида Нотилий (У “Нотили”ни “Нотилий” шаклида ёзган) ҳақида ҳам маълумотлар беради: “Нотилий ўз шогирдига бисотидаги бор билимларини ҳадя этиб, Ибн Синонинг астрономия, фалсафа дунёсига киришига ёрдам берди. Унинг бевосита таълими остида Ибн Сино Арасту, Эвклид каби юнон олимларининг асарлари билан танишди, астрономия билан шуғулланди. Кейин Птолемейнинг “Альмагеста” (Космография) сини таҳлил қилишга киришади.” “Ибн Сино ўн беш ёшга тулганда Нотилий Гургонжга кетиб қолади. (Бу ҳам Ибн Синонинг кейинча Гургонжга Маъмун “Академия”сига келишига баъзи бир сабаб бўлиши мумкин.) 15 ёшида қадимий Юнон, Рим ва Миср табибларининг ишларини ўрганди. Тиб илми ёш Ибн Синони ўзига майл қилганлиги, унга оид китобларни мутолаа қилганлиги, қисқа муддат ичида бу фанда жуда илғорлаб кетганлиги, ҳатто билимдон табиблар ҳам келиб тиб илмидан дарс

олганлиги, беморларни ҳам кўриб турганлиги ҳақида таржимаи ҳолида жуда кўтаринки завқ билан ёзади. Ибн Сино ўша вақтда 16 ёшга кирган эди. Ибн Синонинг тиб илмига қизиқишида ўша замоннинг табиблари Абдул Мансур Қамарий ва Абу Саҳл Масиҳийларнинг бевосита таъсирлари катта эди". (Мадрим Жуманиёзов. "Маъмун академияси", Урганч, 1994. 42-43 – бетлар.)

Абу Али ибн Сино шу йусинда дунёда шон-шуҳрат қозонади. "Ибн Сино Шарқда "Шайх-ур-раис", Фарбда "Файласуфлар князи" номи билан машҳур бўлди." (С.А.Каримов, А.Е.Шаламаев. "Абу Али ибн Сино", Тошкент, 1980. 4-бет.)

49. Ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний илмий фаолиятининг муштарак жиҳатлари кўп. Уларнинг иккаласи ҳам юнон олимларининг асарларидан таъсирланганлар; уларнинг иккаласи ҳам Мусо Хоразмий ижодидан завқ олишган. "Шамсиддин Муҳаммад Шахризурий (1190-1215) Беруний ва Ибн Сино уртасида жуда яқин ва дўстона муносабатлар мавжуд бўлган, ана шу ҳамкорлик туфайли улар илм дунёсида жуда кўп иш қилдилар, деб ёзади" (Мадрим Жуманиёзов."Маъмун академияси", Урганч, 1994. 44-бет.)

50. П.Г.Булгаков. "Абу Райҳон Беруний", Тошкент, 1973. 22-бет.

51. "Ёдгорлик" асари – Абу Райҳон Берунийнинг дастлабки йирик ва шоҳ асари. Тўлиқ номи: "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар". Қисқача "Ёдгорлик" ҳам дейилади."Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асари 1000 -1001 йиллар атрофида ёзилган. Беруний бу китобида ўзи билган барча халқларнинг: юнонлар, румликлар (византияликлар), эронлар, суғдлар, хоразмликлар, қибтийлар, христианлар, яҳудийлар, жоҳилия араблари ва мусулмонларнинг йил ҳисоблари ва байрамларини таърифлаб беради. Беруний бу масалаларни астрономия фани нуқтаи назаридан таҳлил қилади, бир халқ йил ҳисобини иккинчи бир халқ йил ҳисобига айлантириш йўллари ишлаб чиқади, династияларнинг хронологик жадвалларини келтиради... Академик И.Ю.

Крачковский таъбири билан айтганда, то шу кунгача бутун Яқин Шарқ адабиётида тенги йўқ бўлган “Ёдгорликлар” китоби Берунийдаги бир қатор янги хислатларни, унинг табиий ва ижтимоий воқеа-ҳодисаларга турли жараёнларга нисбатан қарашларини намойиш этади.” (П.Г. Булгаков. «Абу Райҳон Беруний», Тошкент, 1973. 23-бет.)

“Ёдгорлик” асари Берунийнинг яна бир дурдона асари “Ҳиндистон”нинг дунёга келишига замин яратган.

52. Подшоҳ Вашмгир – Журжон ҳукмдори Қобус ибн Вашмгир. Беруний 998 йилнинг охири 999 йилнинг бошларидан токи 1004 йилга қадар Журжонда истиқомат қилади. Хоразмда қолган устози Ибн Ироқ, табобат, астрономия бобида довруқ қозонган Абу Сахл ал-Масихий Берунийга бағишлаб 12 та рисола ёзиб, Журжонга жунатадилар.

Подшоҳ Вашмгир Берунийдаги бетимсол талантни кўриб, уни ўзига вазир қилмоқчи бўлади; аллома эса бу таклифни рад этади. Шу сабаб боис Вашмгир билан Беруний муносабати совуқлашади. “Вашмгир... илм-фанга кўнгил қўйган, унга ҳомийлик қилган ҳукмдор бўлиш билан бирга, бир сўзли, айтган сўзининг иккита бўлишини истамайдиган ҳокими мутлақ бўлган.” (Уша манба, 27-бет.)

53. Бу шеър Абу Райҳон Берунийники. (Абу Райҳон Беруний. “Ҳикматлар”, араб тилидан А.Ирисов таржимаси, Тошкент, 1973. 100-бет.)

54. Қобус ибн Вашмгир “Шамс ал-Маолий” яъни, “Олий мартабалар қуёши” лақаби билан довруқ қозонган. Абу Райҳон Беруний бу подшоҳга “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” – қисқача қилиб айтганда “Ёдгорлик” асарини бағишлайди.

55. Ҳадисга ишора.

56. Абу Райҳон Беруний Қобус ибн Вашмгир ҳузурида беш йил мобайнида яшайди. 1004 йилда эса Журжонни тарк этиб, ўз юрти Хоразмга қайтади.

“Бу пайтда Берунийнинг устози Ибн Ироқ, машҳур табиб ва табиатшунос ал- Масихий, табиб ва таржимон (юнончадан) Ибн ал-Хамморлар ҳам Урганчда яшар эдилар. Ордан бир йил ўтгач, Ибн Сино ҳам Урганчга кучиб келади.

Шундай қилиб, бир-бирлари билан сиртдан, аниқроғи хат орқали таниш бўлган икки буюк мутафаккир – Абу Райҳон Беруний билан Абу Али ибн Сино тахминан 1005 йили Урганчда юз қуришишади.” (П. Г. Булгаков. “Абу Райҳон Беруний”, Тошкент, 1973. 27-бет.)

57. Беруний подшоҳни чалғитмоқчи бўлиб, шу гапларни айтади.

58. “Хоразм” атамасининг турли-туман талқинлари мавжуддир. Бу ҳақда “Хоразм – куҳна маданият учоғи” китобида шундай дейилади: “А. Веселовский Хива хонлиги ҳақидаги бир очеркида (1877 йил) “Хоразм” сўзининг маъноси ҳақида қуйидаги мулоҳазаларни айтади: қадимги юнонлар бу мамлакатни “Хоразмия” (Хўрўзмия) деб атаганлар; миҳхат ёзувида “Уварезмия”, “Зеид-Авеста”да (“Авеста”нинг ўтган асрда Европадаги номи) “Гаиризао” деб ёзилган; араблар “Хорарезм” (Хуворезм) деб атаганлар; хитой манбаларида эса “Холи-си-ми-кия” деб берилган. Шу тарзда А.Веселовский “Хоразм” сўзи ҳақидаги бир неча фикрларни санаб ўтади. Жумладан, Ёқут ибн Абдуллоҳ : ховар – гўшт, резм –разм – ўтин маъноларини билдиради. Демак, Ховарразм – гўшт ва ўтин мамлакатидир. Бюрнуфнинг айтишича, куари – ейимлик, зам –ер, яъни “Хоразм” ейимликлар макони ёки ҳосилдор ер маъносини англатади. А. Вамбери эса ҳақ – хоҳловчи, резм- разм – майдон, бинобарин “Хоразм” жанг майдонини хоҳловчилар ёки урушқоқ халқ деган маънони беради, дейди. Савельев қадимий форс манбаларидаги “Хорейз” ёки “Хорезмия” сўзига таққослаб, Хор – Хўвор – қуёш, зам – зем –ер, яъни “қуёш ери ўлкаси” ёки “шарқ ўлкаси” маъносида, Шпингель форсча хувар – хор – паст, азм –ер, яъни паст ер, ёмон ер маъносида; лерх, хувар – пасттекислик, азм – ер, пасттекислик, ер маъносида келади, дейдилар.

Атоқли олим С.П.Толстов “Хоразм” – Хвари – замин – Хварри қабиласининг ери деган маънони билдиради, дейди. Б.Греков “Хоразм” сўзини икки қисмга бўлади: “Хур – замин – хур – хуршид- офтоб –қуёш, замин – ер, яъни

“Хоразм” куёш ўлкаси дегани. Олим шу мулоҳазасини тасдиқлаш учун “Хуросон” сўзини ҳам иккига ажратиб, Хур – осон – кун чиқадиган томон, яъни шарқ деган маънони билдиради, дейди (Х.Жомбоқиев, С.Ҳасанов. “Хоразм – куҳна маданият ўчоғи”, Тошкент, 1983. 6-7 бетлар).

Ушбу китобда қайд этилишича, “Хоразм” сўзи қабиланоми булиши ҳам мумкин. Шу сўз этимологиясида эрон тиллари таъсири катта аҳамият касб этганлигини унутмаслик лозим. “Академик В.В. Бартольд бу ҳақда ўз фикрини айтиб шундай дейди: “Беруний келтирган календарь терминлар, байрам номлари ва бошқалар бир вақтлар Хоразмда эрон диалектида гаплашилгани ҳақида баъзи бир тасаввурлар беради. Масалан: “Гау ховара” сўзи гау – сигир, ховара – ем, емиш маъносида келади”. Бу фикрлар орасида қайси бири ишончлироқ эканини айтиш қийин, албатта. С.П. Толстовга мурожаат қиламиз. Сирдарёнинг қуйи қисмида ўз даврида турк – ўғиз ҳукмдорларининг қароргоҳи ҳисобланган Янгикент шаҳри мавжуд. Шунга яқин жойда Хоразмга тобе бўлган Хувора, Жанд деган шаҳарлар бор эди. Хиррит қабилалари шимоли-шарқий шохобчасининг ҳаракати билан “Янги Ариана” – “Хурритларнинг янги мамлакати” тузилади. “Хуррит” сўзининг маъноси ҳам “Харризем” сўзиники билан бир. Демак, Хорри –зем –хурритлар ери, яъни куёш элатининг ери маъносини англатади. Чунончи, ғарбий ҳазарлар тилидаги қовор – хвар, ховар сўзлари хоразмликларнинг умумий номи маъносида ишлатилган.” (Ўша манба, 7-бет.)

Аён бўладики, Хоразм давлати энг қадимги давлатлардан бири ҳисобланган. Шу юрт фарзанди сифатида Абу Райҳон Беруний этнография, тарих фанларига қизиққани ҳам тасодифий эмас.

59. Хоразмий тили кўп тилларга сўз улашган.

60. Абу Райҳон Беруний тарих фани бўйича 15 та асар ёзган. “Хоразмнинг машҳур кишилари” асарида туғилиб, ўсган юрти тўғрисида қимматли маълумотлар ўз аксини топган.

61. “Дароз” – “узун”.

62. Абу Райҳон Берунийни Урганчда фаолият юритишини Маъмун Хоразмшоҳ ниҳоятда истаган.

63. Беруний устози Ибн Ироқ билан оғир дарбадарликлардан сўнг кўришади. Устозининг ҳаёти ҳам хавф-хатар остида қолганлигидан хабардор эди.

64. Масиҳий ҳам Ибн Ироқ каби устоз олимлардан бири эди. Масиҳий, Ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино - бир асрнинг буюк алломалари.

65. Ибн Сино билан Берунийнинг Урганчда танишуви оламшумул тарихий ҳодиса ҳисобланади.

66. Гурвак – Хоразмнинг довруқли қовуни. Бу қовун эртапишар ҳисобланади. Қадимги замонларда гурвак махсус идишларда сақланиб, хорижга ҳам юборилган. Гурвак бошқа мамлакатларда унчалик ширин ҳолатда етилмайди. Чунончи, бу қовун – Хоразм тимсоли.

67. Уд – учбурчак шаклдаги, кўп торли, чертиб чалинадиган қадимий мусиқа асбоби.

68. Довуд – Довуд алайҳиссалом.

69. Маъмун Хоразмшоҳ илм-фан осмонидаги юлдузларни йиғишга қарор қилар экан, Хоразм давлати гуллаб-яшнашини олдиндан илғаган эди.

70. Маҳмуд Фазнавий ақидапараст подшоҳ булган. Бинобарин, Урганчга буюк олимлар йиғилганини хушламас, юлдузларни тўзғитиб юборишни истарди. Унинг ўта маккорлиги, золимлиги Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби алломаларни чўчитган. Ибн Сино эса ҳамиша ундан қочиб юрган.

71. С.А.Каримов, А. Е. Шаламаев. “Абу Али ибн Сино”, Тошкент, 1980. 17-бет.

72. Мадрим Жуманиёзов. “Маъмун академияси”, Урганч, 1994. 17-бет.

73. Мубошир – маслаҳатчи.

74. Маъмун Урганчда иккита ажойиб сарой қурдириб, олимлар мажлисини утказиб туради. “Бу ерда Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Саҳл Масиҳий, машҳур табиб Абулхайр Ҳаммор, йирик риёзихон Абу Наср Аъроқ ва

бошқа олимлар шуғулланишарди.” (Мадрим Жуманиёзов. “Маъмун академияси”, Урганч, 1994. 17-бет.)

75. Беруний хорижий тилларни тез ва чуқур ўрганиш қобилиятига эга бўлган. Асарларини араб тилида битган. Араб тилини Берунийдек мукаммал биладиганлар тарихда кам учраган.

76. С.А.Каримов, А.Е. Шаламаев. “Абу Али ибн Сино”, Тошкент, 1980. 3-бет.

77. С.А. Каримов, А.Е. Шаламаев. “Абу Али ибн Сино”, Тошкент, 1980. 18-бет.

78. Мадрим Жуманиёзов. “Маъмун академияси”, Урганч, 1994. 17-18 бетлар.

79. Хоразм давлатига Искандар ҳам ҳавас қилган. Бу тўғрида “Маъмун академияси” китобида шундай дейилади: “Агар тарих саҳифаларига мурожаат қиладиган бўлсак, ... Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлар шажараси” деган китобида, машҳур Хоразм хонлиги Искандар Зулқарнайн давридан илгари ҳам маълум эди, деб ёзган.” (Ўша манба, 16-бет.)

80. Ҳикояларга қараганда, хоразмлик бир киши қанот ясаб, фазога парвоз қилади. Қадимги тошларга уйиб битилган чизмалар ўша фаразу тахминларни тасдиқлайди.

81. Али ибн Маъмун ўлиmidан сунг Маъмун ибн Маъмун тахтни эгаллаган.

82. Маъмун II даврида тужжорларга катта имтиёзлар берилиб, карвон йуллари тараққий қилдирилади.

83. Беруний подшоҳ ҳақида шундай деб ёзади: “Хоразмшоҳ Абулаббос Маъмун ибн Маъмун – Маъмунийлар сулоласининг ҳукмдори эди, у улгач, бу хонадон инқирозга юз тутди ва буюклигига хотима берилди. У фозил, шижоатли, тадбиркор, истеъдодли одам эди, бироқ унда қанчалик эътиборга лойиқ руҳий хусусиятлар бўлса, шунча таҳсинга нолойқ хислатлар ҳам бор эди. Мен буни унга мойиллигимнинг эмас, беғаразлигимнинг изҳори учун айтмоқдаман. Зотан, бундай пайтларда кўзга ташланадиган, йирик хислатларгагина қараб ҳукм чиқарилади. Таҳсинга молик ниятларини унинг камчиликлари йўққа

чиқарганда ҳам, кимнинг ахлоқий ҳусни пинҳоний булиб, қилмишлари шунга мос бўлса, ундай кишини эътиборга муносиб киши деса бўлади. Амир Абулаббоснинг энг юксак ахлоқий ҳусни шу эдики, унинг даҳани носазо, одобдан ташқари ва гийбат сузларга мустаҳкам эди. Мен, Абу Райҳон Беруний унга етти йил хизмат қилдим ва бирор марта ҳам унинг оғзидан дашном келтирувчи суз эшитмадим. Хоразмшоҳ ҳалимлик ва олижаноблик хислатларига бой эди” (Мадрим Жуманиёзов. “Маъмун академияси”, Урганч, 1994. 21-22 бетлар.)

84. Хоразм мамлакатининг ўша асрда Европада обриси баланд бўлган.

85. Китоб муаллифи хоразмча мутойиба усулини қўлайди.

86. Мадрим Жуманиёзов рисоласининг бир боби “Ал-Беруний Гурганжда ташкил этилган “Дорул ҳикма”га (“Мажлиси уламо”га, “Ҳақимлар уйи”га) раҳнамо” деб номланади. (Ўша манба, 16-бет.)

87. Ўша манба, 28-бет.

88. “Улар мени сөхрарга чиқариб қўя ёздилар” деб ёзади Беруний ҳинд донишмандларини эслаб. “... Шунча қизиқишим билан ҳам уларнинг урф-одатларига тушуниш мени чарчатди. Қизиқишда ўз замонимда танҳо эдим. Шу масалаларга доир китобларни биладиган одамларни ахтариш меҳнатидан чарчамадим” (Беруний. “Ҳиндистон”, “Беруний ўрта асрнинг буюк олими” тўпламидан. Тошкент, 1950. 178-бет.)

89. Мадрим Жуманиёзов. “Маъмун академияси”, Урганч, 1994. 8-9 бетлар.

90. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий Хоразмда 783 йилда туғилган. 850 йилда Бағдод (Ироқ) да вафот этган. Буюк математик.

91. Мусо Хоразмий Бағдоддаги академияга раҳбарлик қилган.

92. Хорун-ар-Рашиднинг ўғли ал-Маъмун Бағдодда “Байтул ҳикмат” (“Донишмандлар уйи”)ни қурдиради.

93. Ал-Маъмун мажмуаси.

94. П.Г. Булгаков. "Абу Райҳон Беруний", Тошкент, 1973.4-бет.

95. Маъмун подшоҳ халқ кўзғолони пайтида ўлган.

96. Мадрим Жуманиёзов. "Маъмун академияси", Урганч, 1994. 22-23 бетлар.

97. Одил Ёқубов. "Кўҳна дунё", Тошкент, 1986. 23-бет.

98. Ўша манба.

99. Ўша манба. 33-34-бетлар.

100. Сукрот қадимги қарашларга қарши чиққан. Абу Райҳон Беруний бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: "...Юнонлар ўз атрофларида бўлган файласуфлар усули билан маълумотларни орттирдилар. Чунки, юнон билимдонларининг юқори мақсадлари баҳс ва суриштириш ҳам фикрга суяниш бўлса, омманинг мақсади хавф бўлмаганда зурвонлик, сурбетликдир. Бунинг исботи учун Сукротнинг ҳоли далил бўла олади. Сукрот бутпарастликда ўз қавмининг кўпчилигига қарши келди. Юлдузларни худо дейишдан қайтади..." (Абу Райҳон Беруний. "Ҳиндистон", "Беруний ўрта асрнинг буюк олими", Тошкент, 1950. 178-бет).

101. "Аҳли Асиниянинг ўн бир қозиси Сукротни ўлдиришга қарор қилди. Ўн иккинчи қози норози бўлди. Лекин Сукрот ҳақ сўздан қайтмагани учун ўлдирилди". (Ўша жойда).

102. Абу Райҳон Беруний санскрит тилига қизиқади.

103. Одил Ёқубов. "Кўҳна дунё", Тошкент, 1986. 37-38-бетлар.

104. Абу Райҳон Беруний бу ҳақда шундай деб ёзади: "Насриддин ғазот (диний уруш)га киришди. Шунинг учун у Сабуктакин лақаби билан лақабланади". (Ўша манба, 177-бет).

105. Бутпарастликка ишора.

106. Одил Ёқубов. "Кўҳна дунё", Тошкент, 1986. 329-бет.

107. "Ҳиндистон" асари 1030 йилда яқунланган.

108. Маҳмуд Ғазнавий 1030 йилда вафот этган.

109. Абу Райҳон Беруний. «Танланган асарлар», Тошкент, 1968. 11-бет.

М У Н Д А Р И Ж А

А. Файзулла. Сунмас машъаллар	3
Буюк Беруний	7
Хотима	77
Изоҳ ва шарҳлар	78

9000с

Адабий-бадиий нашр

Комил Хоразмий

БУЮК БЕРУНИЙ

Достон

Тошкент — «Tafakkur qanoti» — 2015

Мухаррир: Р. Сафо
Техник муҳаррир: Х. Сафаралиев
Бадиий муҳаррир: У. Саидов
Мусаҳҳих: Г. Азизова
Саҳифаловчи: Х. Исмоилхужаева

Нашриет лицензияси АИ №168. 23.12.2009 й.
Босишга рухсат этилди 17.04.2015 й. Бичими 84x180 1/32.
«Uz-Times» гарнитураси. Офсет қоғози. Офсет босма усулида
чоп этилди. Шартли б. т. 6,0. Адади 100 нусха. Буюртма № 17-04.

e-mail: tafakkur-qanoti@mail.ru
«Tafakkur qanoti» нашриёти. Тел.: 945-50-87.
Тошкент шаҳри, 1-тор, Мирсолихова кўчаси, 13-уй.
Нашриёт манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Оригинал-макет «Tafakkur qanoti» МЧЖ техник ва
дастурий воситалар базасида тайёрланди ва чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.



***Эй азиз укувчим! Сен ҳам бул омон,
Энди якунига етмиш бу дoston.***

***Dostonни битирдим Навруз маҳали,
Режалар бисёрдир кунгилда ҳали.***

***Китобдан манфаат, фойда керакмас,
Комил Хоразмийни дуо қилсанг бас!***

ISBN 978-9943-382-41-4

